ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 февраль куни мамлакатимизга амалий ташриф буюрган Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Али Акбар Вилоятийни қабул қилди.

Президент Ислом Каримов мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни янада равнақ топтириш учун катта имкониятлар мавжудлиги ва Али Акбар Вилоятийнинг Ўзбекистонга ташрифи бу борадаги масалаларни кенг муҳокама этиш, ўзаро фикр алмашишга имкон яратиши билан диққатга сазоворлигини таъкидлади. Бу икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни равнақ топтириш, халқларимизнинг ўзаро дўстлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади, деди жумладан, Ўзбекистон Президенти.

Али Акбар Вилоятий Эрон ҳукумати Ўзбекистон билан турли соҳаларда, жумладан, иқтисодий ва коммуникация борасидаги ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини айтди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Эрон Ислом Республикаси ўртасидаги икки томонлама муносабатларни ривожлантириш, шунингдек, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Али Акбар Вилоятий Ўзбекистон раҳбарига Эрон Ислом Республикаси Президенти Али Акбар Ҳошимий Рафсанжонийнинг мактубини топширди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Содиқ Сафоев, ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

Қабулда Эрон Ислом Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Муҳсин Покойин ҳозир бўлди.

***

Шу куни Эрон ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари Али Акбар Вилоятий Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигида Абдулазиз Комилов билан ҳам учрашди.

(ЎзА).



СУРАТДА: *қабул пайти.*
Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Ватан аҳлларига деганларим

Энди биз — Ўзбекистон халқи ҳақиқатда шу Ватан аҳлларимиз. Инсон насли яратилиб, ер устига қадам қўйган кундан бошлаб, бизнинг ота-боболаримиз шу Ўзбекистон ўлкасида яшаб келган эканлар, шу кунларгача тирикларимизни бўйнига кўтариб, ўликларимизни қўйнида сақламишдир. Бу Ўзбекистон Ватанимизнинг бир қатлами биз ўзбек халқи ота-боболаримизнинг суяклари билан кўтарилмишдир. Демак бўйнида кўтарган, қўйнида сақлаб оқ сут бериб тарбият қилган бу Ўзбекистон — Туркистон бизнинг ўз Она ватанимиздир.

Алихонтўра СОҒУНИЙ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 29 февраль, пайшанба № 26 (21.947).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЭСКИ АШУЛАНИНГ «ЯНГИЧА» ХИРГОЙИСИ

Холис мулоҳазалар

Янги мустақил давлатларда кейинги йилларда рўй бераётган воқеалар, улар ўртасида таркиб топаётган муносабатлар, бу муносабатларнинг замини бўлиши мумкин бўлган унсурлар нафақат сиёсатчилар ё олимларни, балки бундай соҳалардан йироқ кишиларни ҳам ўйлантириб қўймоқда.

Назариялар, моделлар, турли тоифадаги конструкциялар, андозалар ва нуқтаи назарлар кўпинча ҳушёр сиёсий қарорлар ўрнини зимдан эгаллаяпти, яъни амалдаги сиёсатчининг муқаддас бурчи сифатида тақдим этиляпти. Собиқ Иттифоқ ҳудудида рўй бераётган шиддатли воқеалар анча-мунча нохуш оқибатлар олиб келди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги тузиш ҳақидаги таклиф билан чиққан янги давлатлар айрим раҳбарларининг узоқни кўра билиши парокандаликдан қутқарди. МДҲ ғояси лоақал шунинг учун эътиборлики, у сиёсий вазифалар ва мафкуравий топшириқни зиммасига олмади. Собиқ шўро республикалари мустақилликка чиққан даврда унинг ягона ва мақбул вазифаси маслаҳат тарзида ишлаш деб топилди. Давлатлар раҳбарлари ўртасида бундай муносабатни йўлга қўйиш ўта марказлашган бошқарув шаклини бартараф этиш муқаррар бўлган ихтилофларнинг олдини олади, майда қарамақаршиликлар содир бўлишига барҳам беради.

Янги мустақил давлатлар фуқаролари ва жаҳон жамоатчилиги МДҲни янги воқелик сифатида қабул қила бошладилар. МДҲ ташкилотлари фаолиятига берилган баҳо билан бир қаторда уни тарқатиш мумкинлиги ҳақида гап-сўзлар ҳам эшитилди. Бироз вақт ўтгач МДҲ муаммоси атрофида бамисоли икки тараф вужудга келди. Улардан бир томони масалага Ҳамдўстликни қайта қўшилиш, яъни СССРни тиклаш усули сифатида қаради. Иккинчи томон қарашига «интеграция» сўзи мазмунан мос келиб, улар аввало иқтисодий ҳамкорлик жараёнини ривожлантиришни, янги ташкил топган давлатлар мустақиллигини мустаҳкамлаш билан бирга уларнинг миллий манфаатларини рўёбга чиқаришни назарда тутади.

Ҳақли равишда Ҳамдўстлик асосчиларидан бири саналган Ўзбекистон собиқ Иттифоқ ҳудудидаги интеграция қуйидаги базавий шартларга риоя қилинганда наф келтириши мумкин деб ҳисоблайди:

— Ҳамдўстликда ихтиёрий қатнашиш;

— ҳамкорлик тенг ҳуқуқлилиги;

— янги мустақил давлатларга бутун дунёнинг очиқлиги;

— МДҲ аъзоси бўлган мамлакатларнинг хавфсизлик таъминоти, уларнинг мустақиллиги ва ҳудудий бутунлиги.

Бу тамойилларнинг сақланиши фақат МДҲ ичкарисидагина муҳим эмас. Бунга ташқи сиёсатдаги ҳамкорларимиз ҳам алоҳида аҳамият берадилар.

МДҲ имкониятларини рўёбга чиқармай бирлашишнинг янги шаклларини тақдим этиш айниқса ноўриндир. Афсуски, шундай уринишлар рўй бериб турибди.

Икки йил муқаддам Москванинг сиёсий ва зукко арбоблари эътиборига собиқ шўро республикаларидан МДҲ ўрнига Евроосиё иттифоқи тузиш таклиф қилинган эди. «Лойиҳа»нинг тақдимномаси Москва давлат университетида бўлиб ўтганди. Бу ғоя кўпчиликни ўйга толдирди ва аксарият арбоблар уни қабул қилишмади. Унинг атрофида кўп гап-сўз айланди. Маълум вақт ўтгач эса бу ғоя тарафдорлари ҳам пайдо бўлди. Уни эски байроқ остида бирлашувнинг «пинҳона» тарғиботи учун фойдаланиш имконияти деб ҳисоблаган Москвадаги сўл сиёсатчилар қўллаб-қувватлаганини тушуниш унча қийин эмас. Лекин Евроосиё иттифоқи оппонентлари нарсаларни ўз номи билан аташди: бу иттифоқ Совет Иттифоқини қайта тиклашга уринишдан бошқа нарса эмас.

Янги иттифоқни тузиш зарурати хусусидаги тарғибот мавсумини бошлаш учун танланган вақт тасодифий эмасди. Асосий мўлжал МДҲнинг айрим мамлакатларида ижтимоий-иқтисодий аҳволнинг кескин ёмонлашуви ва шу муносабат билан муайян сиёсий давраларда ўтмишни қўмсаш кучайиб бораётганлигига қаратилганди. Ҳамдўстликнинг айрим мамлакатларида коммунистик кайфиятнинг жонланаётгани ҳам назарда тутилди.

Шуни унутмаслик керакки, Евроосиё ғояси муаллифлари МДҲга гўё Россия манфаатларига тўсиқ бўлинаётганлиги ҳақидаги гапларни ҳам ўз фойдаларига ишлатишди. Бир қарашда Евроосиё иттифоқи ғоясини ҳаётнинг ўзи рад этганди. Аммо кейинги пайтларда уни тирилтириш ва унга янги шакл-шамойил беришга ҳаракат қилинмоқда. Бу ўринда гап «Ҳамдўстлик» тушунчасини аллақандай «иттифоқ» билан шунчаки алмаштириш ҳақида бораётгани йўқ. Бу сафар қатъий марказлашган миллатлар ўртасида вужудга келтирилган мутлақо янги геополитик тузилма яратиш ҳақида сўз кетмоқда.

Яқинда Москвада Россия Ижтимоий фанлар академияси сессияси бўлиб ўтди. Бу муассаса КПСС МК ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академияси негизида бўлганлиги маълум. Анжуман қатнашчилари диққат марказида уларга руҳан яқин мавзу тақдим этилди: «Евроосиё иттифоқи: янги марралар, муаммолар, истиқболлар». Муҳокамага қўйилган масаланинг долзарблиги «МДҲ мамлакатлари матбуотида мазкур лойиҳага бағишланган 500 дан зиёд материаллар чиққанлиги» билан далилланди. Аммо бу далил ўта гўл тингловчига мўлжалланган эди. Сиёсатда билиб-билмай рақамларга таяниш ҳамиша наф келтирмаган. Ҳатто бошловчи таҳлилчилар ҳам ана шу рақам — 500 та баҳо МДҲда ихтиёрийлик тамойилига хилоф иш тутишга уриниш эканлигини тушуниб етади. Бундай ҳаракат илгари ҳам бўлганди.

Бу сафар «Интеграция-2000» деб аталган концепцияда кўпол хато мавжуд. Бунда интеграцион жараёнлар ривожида психологик омил ҳисобга олинмаган. Тарих шоҳидки, яқиндагина СССР таркибида бўлган барча ҳозирги мустақил республикалар собиқ мустамлака ҳисобланади ва уларнинг аҳолисини ўз мустақиллигини қурбон қилиш ҳисобига «интеграция»га олиб келишга ишонтириб бўлмас. Халқлар хотирасидан уларнинг макони мустамлака ўлкага айлантирилганини ўчириб бўлмайди. Туркман халқи 1880 йил 31 декабрдаги Кўктепа ҳужумини унута оладими?! Ўзбек халқи 1916 йилда бўлган қўзғолоннинг қандай бостирилганлигини унутиши мумкинми?! Генерал. Кауфманнинг 1868 йилда Бухоро ва Хевага қилган қонли юришларини-чи?! Ёки бўлмаса, 1872 йилда генерал Скобелев Қўқонда қуролсиз аҳолини қирганлигини унутиб бўладими?! Марказий Осиёда мустабидлик сиёсатининг миқёси ва қамрови эндигина маълум бўлмоқда. Халқларимиз империя даврида чеккан азоб-уқубатни хаёлдан кўтариши учун кўп вақт ўтиши керак.

Коммунистик ғоялар ҳеч қачон миллий заминга эга бўлмай туриб, четдан сунъий равишда келтирилган Ўзбекистонда «ҳилқатли» социализм истиқболи ҳеч кимни қувонтирмайди. Бунинг устига бундай келажак муқаррар МДҲни тарқатишга олиб келади.

Назаримизда, Европа иттифоқи муаллифлари учун бу мақсад бегона эмас. Бу уларнинг «МДҲ собиқ Иттифоқ ҳудудида интеграциянинг ягона шакли бўлиши мумкин эмас» деган нуқтаи назарларида яққол кўринади. Бу ғояни давом эттириш интеграцияга эмас, балки интеграцион парокандаликка олиб келади. Ижтимоий фанлар академияси даргоҳида вужудга келтирилган «дурдона»да энг асосий нарса йўқ — унда ҳаёт ҳақиқати, халқлар фикри йўқ. «Ҳис-туйғулар, шу жумладан миллий ҳис-туйғулар ҳам интеграцияга яхши ёрдам бермайди» деб таъкидланди сессияда. Бироқ, бу масала умуман муҳокама қилинмаган Ўзбекистонда янги иттифоққа қўшилишга шайлик ҳақидаги хабарларни оммавий ахборот воситаларида ўқигандан кейин ажабланмай иложингиз йўқ. Қизиқ, миллатлар ўртасида тақдим этилаётган иттифоққа ким ва қандай раҳбарлик қилиши керак экан? Эҳтимол бу масала кимларгадир икирчикирдек туюлар. Евроосиё иттифоқи барбод бўлгандан кейин шундай фикрга беихтиёр келасиз.

Нега бизни яна ўтмишга қайтишга чорлашяпти? Нега энди халқларимизни келажакдан маҳрум қилишга ҳаракат қилишяпти? Наҳотки 1991 йилда қулаган тоталитар жамиятнинг куни битганлигини энди ҳам исботлаш зарур бўлса?

МДҲ доирасида интеграция муаммосини ҳал этишда уни глобал интеграциянинг бир қисми сифатида қараш кераклигини эслатиб ўтиш фойдадан холи эмас. Интеграциянинг муҳокама этиладиган модели хорижий шерикларимизга СССРни қанча кам эслатса, тенг рақобат шароитида дунё бозори эшиклари шунча тез очилади.

Давлатлар ўртасида тузиладиган чиллаки иттифоққа қўшилишни истамаганларга нисбатан коммуникация йўллари ёки бошқа бирон шаклда «таъсирли чора» кўришлари ҳам эҳтимолдан холи эмас. Афтидан, уларнинг наздида Россия, Белоруссия ва Қозоғистондан иборат бўлган, айни пайтда унга Украинани ҳам қўшишга интилаётган (буям ҳали хом гап!) иттифоқ тарафдорлари Ҳамдўстликнинг бошқа мамлакатлари «ихтиёрий-мажбурий» тарзда қўшилишига хомтама бўлишаётганга ўхшайди. Ахир бу МДҲни барбод қилишга, табиийки, Евроосиё муаллифларини гўё чўчитаётган парокандаликка олиб келмайдими?

Шу билан бирга мувозанатли интеграция — ҳамкорлик қилишга аҳд қилган давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг оқилона йўлидир. Фақат нега энди бу интеграцияни аллақандай иттифоқ ёки конфедерация шаклида расмийлаштириш керак экан? Халқаро муносабатлар тажрибасида бундай тузилмалар бир неча бор бўлган. Одатда, уларда ривожланаётган мамлакатлар шерик қилинади. Улар дунёнинг турли минтақаларида қўлланилган, натижа эса бир хил: қисқа муддатли «бирга» яшашдан сўнг шерикларга ишончсизликнинг узоқ муддатли даври бошланади.

Евроосиё лойиҳасида баҳс учун етарли материаллар бор. Хўш, интеграциянинг 2000 йилгача деб аниқ муддатини кўрсатиш керакми? Интеграция жараёни инқирозсиз кечмаган Ғарбий Европа ортидан бориш шартми? Айни пайтда Европа интеграцияси муайян заминга таяна олиши мумкин. Унинг таркибидаги мамлакатлар юксак даражада мустақилликка эришган, уларда ҳуқуқ, давлат меъёрлари ривожланган, қатъий мақомга, мустаҳкам молия тизими яратилган собиқ Иттифоқ республикаларига эса аввало мустақиллиги чекланган янги интеграцион тузилмага киришдан олдин бу йўлни тўлиқ босиб ўтиш керак..

«Интеграция-2000» концепцияси билан танишув кўп масалаларни келтириб чиқаради. Афсус, бу ғоя муаллифлари жуда тор доира билан чегараланиб қолишибди.

Альберт АБРАМЯН,
иқтисод фанлари номзоди.
Искандар ШОЙМАРДОНОВ,
тарих фанлари номзоди.

Тавоф айланг байроғимизни

ОЙ ЁНАДИ ОСМОНИМДА

... Марғилонда — Мустақиллик кўчасида Баҳрин деган маҳалла бор. Куну-тун одамлар билан гавжум бўладиган бу манзилга ҳамма қўниб ўтади. Кўнглини ёзиб кетади. Бу ерда асли ҳеч бир сир-синоат йўқ. Фақат...

Сизни бир инсон қаршилайди. Танишмисиз, бегонамисиз, барибир. Қучоқ очиб кўришади. Сўнг бу гавжум маскан деворига иқора қилиб: «Меҳмон, байроғимизни бир тавоф этиб кирасиз!» дейди кулиб. Юраклар жимирлаб кетади. Хижолатлигимизни сездирмай, астагина отахонга қўшилиб Ўзбекистон байроғини юз-кўзимизга суртамиз.

Шундан кейингина ичкарида танишамиз:

— Тўғрисини айтайми, Зайнобиддин Сайдаматов деб сўрасанглар ҳатто ўз маҳалламдаям билишмайди, — дейди у киши. — Лекин «Обком тақсир» десанглар...

Бошқа мақтанмади-да, байроқ ҳақида сўзлай кетди:

— Ўзим асли миробман. Ҳозирам сув ҳайдайман. Менинг гапларим сизга ғалати туюлар, лекин рост. Тўрт-беш йилдан бери узоқроққа кетгим келмайди. Бир кундаёқ қайтаман. Келаману эшик тепасига қарайман. Байроқ турибдими? Катта кўча, ҳар хил одамлар, бу ёғи шўх болалар кўп-да. Бирортаси... Йўқ, ҳатто бу ерга ичкилик деган балониям яқинлаштирмасликларини тайинлайман. Уйимиз ана, маҳаллақўмнинг ёнида. Ичкарида тўқсон ёшли отам Юсуфвалихон тақсир ҳар-ҳар замонда сўраб қўядилар: «Зайнобиддин, болам, маҳалла-кўй тинчми, байроғинг ҳилпираб турибдими?» Бош силкийман: «Худога шукр, ота, юрт тинч — маҳалла тинч...»

Бу ўз кўзим билан кўрганим. Биламан, киноя аралаш «бунчалик эмасдир-ов» дейдиганлар ҳам топилади. Йўқ, биз бундан ажабланмайлик, аксинча ғурурланайлик азизлар. Ахир энди кечаги ҳаво билан яшамаяпмиз-ку! Мустақиллигимизнинг бешинчи йили яқинлашяпти. Ишонаверинг, ҳали орамизда мамлакатимиз байроғидаги рамзлар ифодасини ҳам тўла айтиб бера олмайдиганлар бор.

ЭНДИ ЭШИТГАНИМНИ АЙТАЙ: Бундан икки йилча аввал олис Америкадан Қашқадарёга меҳмон келди. Оталари «шўро»лар таъқибидан қочиб кетган экан. Олтмишларни қоралаб қолган ватандошимиз дарду ҳасратга тўлиб сўзларди: «Эсимни зўрга таниган маҳалларимда ҳам отам раҳматлик Ўзбекистон ҳақида йиғлаб-йиғлаб армон билан «юз йил ўтса ҳам барибир бизнинг юрт озод бўлади» дерди. **1991 ЙИЛ 1 СЕНТЯБРЬ КУНИ...** биз бир гуруҳ ватандошлар дунёга сиғмадик. Ҳар куни, ҳар саҳар Яратганга дуолар ўқиб, миллатимизни, Ватанимизни шарафладик.

Сўнг... ҳар бир хонадонга энг азиз ва муборак совга сифатида биттадан **ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОҒИНИ** улашдик. Болаларимиз, набираларимиз ана шу байроқни ўпиб, кўзларига тавоф қилишди. Энди биз ҳар йили **1 СЕНТЯБРДА ЎЗИМИЗНИНГ ТУҒИЛГАН КУНИМИЗ ЎРНИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ОЗОДЛИК КУНИНИ НИШОНЛАЙДИГАН БЎЛДИК...»**

Азиз юртдошим, мен сизга қутлуғ ой-юлдузли байроғимизнинг яна қандай таъриф-тавсифини келтирай. Ахир бу ялов неча асрлар давомида миллионлаб қондошларимиз ўз умрларини тиккан муқаддас армон эмасми?

Бугуннинг ҳаволари энди ўзгача. Бугуннинг Осмони бошқача энди. Ой-юлдузлари нурли-нурли порлаётир. Илло, бугуннинг одамлари ҳам ўзгача бўлсин!

Норқобил ЖАЛИЛ,
«Ўзбекистон овози» шарҳловчиси.

ПАРИЖ ЯҚИНМИ ЁКИ ЭСКИ ЖЎВА?

3-бет

ПЛЕНУМ БЎЛИБ ЎТДИ

Хаёт билан ҳамнафас

Кеча Ўзбекистон ХДП Яккасарой туман кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг республика Олий Мажлиси IV сессиясида сўзлаган нутқидан ва Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XV пленумидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди. Туман кенгаши биринчи котиби Абдумутал Абдуллаев маъруза қилди. Мазкур ҳужжатларда баён қилинган қоида ва хулосалар ислоҳотлар янги босқичининг асосий мазмунини ифодалаши таъкидланди.

Маърузачи ва сўзга чиққан нотиқлар ҳозирги шароитда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, Миллий истиқлол мафкурасини халқ онигга сингдириш хусусида ўз мулоҳазаларини баён этдилар. Ватан мустақиллигини мустаҳкамлаш, уни озод ва обод диёрга айлантириш каби барча кўзланган олийжаноб мақсадларга фақат мулкий муносабатларни инсонийлик замирига қуриш, одамларнинг шахсий манфаатдорликлари ҳамда унга асосланган фидокорона меҳнат негизидагина эришиш мумкинлиги таъкидланди. Бу борада Тошкент тўқимачилик ҳиссадорлик жамияти партия ташкилоти тажрибаси эътиборга лойиқдир.

Пленум ишида ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши биринчи котиби, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Латиф Ғуломов сўзга чиқди.

Аброр ҲАМРОҚУЛОВ.

СУЮЛТИРИЛГАН ГАЗГА ҲОЖАТ ҚОЛМАДИ

НАВОИЙ (мухбиримиздан). Зарафшон шаҳрига ҳам табиий газ етиб келди. Шаҳар ташкил топганига 30 йилдан ошди. Зеро, бу ерда суюлтирилган газдан фойдаланиб келинарди. Бундай газни Оренбург шаҳридан ташиб келтириш қимматга тушаётган эди.

Истиқлол шарофати билан зарафшонликларнинг азалий орзуси ушалди. Газли — Чимкент халқаро газ тизимидан 145 километр масофага қувурлар ётқизилиб, шаҳарга «зангори олов» келтирилди. Бунинг учун қарийб 1 миллиард сўмлик маблағ сарфланди. Хайрли ишга Навоий тоғ-металлургия комбинати, марказий кон бошқармаси ва вилоят газлаштириш бошқармаси жамоалари муносиб ҳисса қўшдилар.

Музаффар ШАРОПОВ.

Мустақиллик қонунлари

АХБОРОТ МАЙДОНИ ВА ТИЛ ТАҚДИРИ

Ҳар қандай ижтимоий ҳодиса сингари тилнинг ҳам узига яраша ижтимоий фазоси бўлади. Тилнинг омма орасида ёйилиш кўлами ва қўлланилиш доирасини ифодаловчи «тил ахборот майдони» ана шундай фазонинг хусусиятларидан ҳисобланади. Тил қанчалик кўп ишлатилса, кўпчилик томонидан ва кўп соҳаларда мунтазам қўлланилса, бундай тилнинг ахборот майдони ҳам кучли ва кенг бўлади. Ахборот майдонининг кенгайиши шу тилда сўзлашувчи аҳолининг ҳам ижтимоий мавқеини кўтаради.

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши, бу тил ахборот майдонининг кенгайишига имконият яратди. Янги таҳрирдаги давлат тили ҳақидаги Қонуннинг 7-моддасида «Давлат ўзбек тилининг бойитилиши ва такомиллаштирилишини таъминлайди...» — деб ёзилган. Бу бевосита тил ахборот майдонининг кенгайтирилишига мўлжалланган моддадир. Ҳозирги пайтда мустабид сиёсат даврида чекланиб қолган, қашшоқлашган, қўлланилиш доираси жуда торайган, ахборот майдони заифлашган тилни ривожлантириш жиддий меҳнат ва изчил фаолиятни талаб қилади.

Хўш, тил ахборот майдонини кенгайтириш учун нималар қилиниши лозим? Ахборот майдонини табиий ва сунъий йоллар билан кенгайтириш мумкин. Табиий йол: кишиларнинг ўзаро мулоқотини ривожлантириш, шу тилда сўзлашувчи кишилар сонининг ошиб бориши билан боғлиқ бўлади. Ўзаро муносабатларда давлат тилидан фойдаланишга аҳамият бериш, давлат тилини ўрганишга хоҳиши бор кишиларга, ўзга тил вакилларига ўзбек тилини ўргатишга эътиборни кучайтириш, давлат тилини ўргатувчи курслар сонини кўпайтириш, дарсликлар нашр қилиш, тил байрамлари, давлат тили кунларини уюштириш ва бошқа тадбирлар тилнинг ахборот майдонини табиий йол билан кенгайтириш воситалари ҳисобланади. Давлат тили ҳақидаги Қонуннинг 4-моддасида «Фуқароларга давлат тилини ўқитиш бепул амалга оширилади» — деб тўғри кўрсатилган. Бу модда давлат тилини ўрганиш имкониятини анча кенгайтиради. Яъни бу қоида кам даромадли кишилар учун ҳам давлат тилини ўрганишга имконият очади.

Ахборот майдонини кенгайтиришнинг сунъий йоллари ҳам жиддий аҳамиятга эга. Бунга — ахборотни информацион техника қурилмалари (радио, телевидение, телефон, телекс, телеграф, компьютер, электрон почта, модем алоқалари), реклама воситалари орқали ёйиш ва бошқалар киради. Бу йолнинг имконияти ҳозирги пайтда ута ривожланган. Радио ва телевиденияда давлат тилида ахборот узатиш сони ва сифатини ошириш, янги алоқа каналлари очиш, уларда давлат тили дарсларини кўпайтириш, давлат тилида хизмат қилувчи алоқа каналлари ишини такомиллаштириш, аҳоли билан доимий мулоқотда бўладиган маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида давлат тилининг қўлланилиш доирасини кенгайтириш, транспорт воситалари, вокзал ва аэропортларда давлат тилида бериладиган эълонлар, хабарлар сонини кўпайтириш, аҳолига хизмат қилувчи соҳаларда ишловчи ходимларнинг давлат тилини ишлатишига эътиборни кучайтириш, Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган молларга давлат тилида ёрлиқлар қўйилишига жиддий эътибор бериш, бу ёрлиқларнинг эстетик жиҳатдан чиройли ва саводли ёзилишини таъминлаш ва бошқа тадбирлар тил ахборот майдонининг ривожланишига кенг шароит яратади.

Қонуннинг 8-, 9-, 10-моддаларида ҳужжатларни давлат тилида тайёрлаш, зарур бўлган ҳолларда эса, бошқа тилларга ҳам таржима қилиниши мумкин, деб кўрсатилган. Бу моддалар ҳужжатларнинг дастлабки нусхаси, асли ўзбек тилида тайёрланишига эътиборни қаратган, Қонунинг 10-моддасида шундай дейилган: «Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларида иш юритиш, ҳисоб-китоб, статистика ва молия ҳужжатлари давлат тилида юритилади, ишловчиларнинг кўпчилиги ўзбек тилини билмайдиган жамоаларда давлат тили билан бир қаторда бошқа тилларда ҳам амалга оширилиши мумкин». Бу модда реал воқелик билан ҳисоблашган ҳолда иш олиб боришга даъват этади. Яъни бу, ҳужжатларни бирданига давлат тилига ўтказиш қийинчилик туғдириши мумкин, шу туфайли, дастлаб, параллел равишда ўзбек ва рус тилларида, аста-секин давлат тилидаги ҳужжатлар сонини кўпайтириб, кейинчалик, 2005 йилдан бошлаб, батамом давлат тилига ўтказишни назарда тутади. Бу моддани бирёқлама тушуниб, ҳужжатларни рус тилида тайёрлашни давом эттираверишимиз керак экан-да, деган хулосага келмаслик лозим: Бу, давлат тилини мутлақо билмайдиган ва таржимонлари йўқ корхоналаргагина тегишли қоидадир. Ҳужжатларни ўзбек тилида тайёрлаш имконияти бўлган ҳолда, эски русча нусхалардан андоза олиб иш юритиш бир томондан давлат тилига нисбатан ҳурматсизлик бўлса, иккинчи томондан, давлат тилининг ахборот майдонига зарарли таъсир қилади, яъни унинг қувватини заифлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Давлат тили ҳақидаги Қонуннинг янги таҳририни амалга киритиш ҳақида қарор қабул қилар экан, республикамиздаги мавжуд шарт-шароитларга таянган ҳолда иш юритган. Маълумки, шу чоққача давлатимиздаги асосий иш юритиш тили рус тили эди. Унинг ахборот майдони анча кучли ва таъсирчан. Бундай тилнинг майдони таъсиридан бирдан қутулиб бўлмайди. Қолаверса, айни вақтда, аҳолининг кўпчилик қисми бу тилнинг ахборот майдонидан кенг фойдаланади. Бу майдондан ҳам фойдаланишни тўхтатмасдан туриб, давлат тилининг мавқеини босқичма-босқич кўтариш, бошқа тил соҳибларининг ҳам кучқувватини давлат тилининг ахборот майдонини кенгайтириш ишига жалб этиш асосида тил сиёсатини олиб бориш «Давлат тили ҳақидаги Қонуннинг янги таҳририда» ўз ифодасини топган. Бу Қонун бошқа тилларнинг қўлланилишига чек қўймаган ҳолда давлат тили мавқеини кўтаришга даъват қилади. Қонуннинг бу жиҳатларини тўғри тушуниш лозим, уни «нигилистик» тарзда, яъни бу қонун, давлат тилини ўрганишга эътибор нуқтаи назаридан, илгаригисига нисбатан орқага қайтиш деб ўйламаслик лозим. Аксинча, бу Қонун бошқа тилларнинг ҳам ахборот майдонидан фойдаланган ҳолда давлат тилини ривожлантиришга даъват этади.

Қонуннинг биринчи моддаси унинг асосий моҳиятини ифодалайди, яъни: **«Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир»**.

Тилнинг ахборот майдонида шу тилга мансуб барча атамалар, тарихий фактлар, шу тилнинг ҳам утмишдаги, ҳам ҳозирги пайтдаги грамматик ва семантик хусусиятлари, шунингдек, бу тилнинг бошқа тиллар билан алоқаси жараёнида унга кириб келган атамалар ҳам мужассамлашган бўлиб, улар тилнинг ахборот майдонини қувватлантиради, кучайтиради. Кейинги пайтда айрим тилшунослар томонидан «ўзбек тилининг софлигини сақлаш» шиори остида, кўпчиликка сингиб кетган ва халқаро миқёсда кенг қўлланилаётган атамаларни ҳам тилимиздан «қувиб чиқариш»га интилиш ҳаракати пайдо бўлди. Бундай интилиш тил ахборот майдонининг торайишига ва заифлашувига олиб боради. Бундай усулда «қашшоқлаштирилган» тилни ўрганиш қийинлашади. Шундай интилишларга зид равишда янги таҳрирда, «ҳамма эътироф қилган илмий-техникавий ва ижтимоий-сиёсий атамаларни жорий этиш ҳисобига» ўзбек тилининг бойишини таъминлайди, деб кўрсатилган. Ҳақиқатан ҳам «аэропорт», «вокзал», «телескоп», компьютер» сингари атамалар бошқа тиллардан кириб келган бўлса-да, ўз сўзимизга айланиб қолган. Бундай сўзларни сақлаб қолиш, ривожлантириш лозим. Бу — тил ахборот майдонининг ёйилувчанлигини таъминлайди.

Ахборот майдони кенг ва кучли бўлган тил, қудратли тил ҳисобланади ҳамда у жаҳон тиллари қаторига қўшилишга даъвогар бўлади. Республикамиз халқи жамулжам бўлиб, узбек тилининг ахборот майдонини ривожлантиришга киришсак, балки у келажакда, ҳатто БМТ минбарларидан ҳам баралла жаранглаш бахтига муяссар бўлар.

Бахтиёр ТЎРАЕВ,
ЎзРФА И. Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти бўлим мудири, фалсафа фанлари доктори.

Лукма

ЧОРРАҲАДАГИ ЧАЛКАШЛИКЛАР

Қўлга қалам олмоқчи эмасдик. Чунки бу йўлдан қанчадан-қанча одамлар ўтади. Бири бўлмаса бирининг назарига тушиб, кўнгил хираликни бартараф этишга кўмаклашар, деб ўйлагандик. Лекин...

Гап шундаки, Навоий кўчаси билан Шароф Рашидов шоҳ кўчаси кесишган чорраҳада қачон қараманг, троллейбусларнинг тўқа (дуга)си чиқиб кетиб, таққа тўхтайди. Йўловчилар нима бўлдийкан, деб ҳайрон. Ҳайдовчи эса эшикдан шоша-пиша тушиб, юқорига қарайди. Лапанглаб турган тўқани кўриб, орқага ўтади. Йўғон арқонни у ёққа, бу ёққа силкиб тўқани симга тўғрилашга киришади. Ишга ошиқаётган айрим йўловчилар эса троллейбусдан тушиб, пиёда кетворишади.

Бу ҳам майли-я, чорраҳадаги танг аҳволни айтмайсизми?! Йўлдан ўтолмай турган машиналар турна қатор бўлиб кетади. Сигнал беришлар бошланади. Трамвай ҳайдовчилар ҳам уларга жўр бўлишади. ДАНчилар эса машиналар ҳаракатини тартибга сололмай овора.

Бундай ташвишли аҳвол фақаттина бу ерда эмас, балки Усмон Юсупов кўчаси билан Абдулла Қодирий кўчалари кесишган жойда, Ўрдадаги чорраҳада ҳам тез-тез такрорланиб туради.

Қизиқ, наҳотки, симлар кесишган жойдаги нуқсонларни тузатиб, троллейбусларнинг равон юришини таъминлаш мумкин бўлмаса?!

Мумкин. Фақат бу ишга Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси (бошлиғи Ҳусниддин Маҳкамов)даги мутасадди ўртоқлар озгина ҳафсала қилишса, олам гулистон бўларди.

Юнус ЗИЁДОВ.

НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ҚУРИЛИШИДА

БУХОРО (мухбиримиздан). Қоровулбозордаги нефтни қайта ишлаш заводини тезроқ ишга тушириш учун барча воситалардан фойдаланилмоқда.

Қурилиш майдонида мамлакатимиз турли вилоятларидан келганлар қатори Франциянинг «Текнип» ва Туркиянинг «Гама» фирмалари вакилларини ҳам учратиш мумкин. Ҳамкорликда корхона технологиясини бунёд этиш ишлари амалга оширилмоқда.

— Улкан қурилишда ҳозир 200 дан ортиқ вакилимиз меҳнат қилмоқда — дейди «Гама» фирмасининг Ўзбекистондаги қурилишлар бошлиғи жаноб Жошкун Манчухан, — асосий объект—технология ускуналар ўрнатиладиган майдон саҳни 111 минг 240 квадрат метрдан иборат. Фирмамиз шу ернинг ўзида 40 миллион долларли қийматга эга бўлган иш бажариши керак.

Франциянинг «Текнип» фирмаси технологик жиҳозларни келтиришда қатъий графикка амал қиляпти. Ускуналар ортилган машиналар Франция, АҚШ ва Туркиядан келиб турибди. Ҳаракатлардан шу нарса аён бўлмоқдаки, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи келгуси йилнинг биринчи ярмида маҳсулот бера бошлайди.

Даврон БАҲРОНОВ.

НУКУСДАН ТОШКЕНТГА

Нукус шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 39 та ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчиларидан 68 нафари учинчи республика олимпиада турида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди. Бир қанча фанлар бўйича ўтказилган шаҳар олимпиада мусобақасида пухта билим, тарбия самарадорлигига эришган ўқувчилар мусобақа голиблари бўлишди. М. Уснатдинова, А. Сейтниёзова, К. Сайфуллина, А. Хужалепесова, Ли Наталья, шунингдек, 37- мактаб-лицей ўқувчилари барча фанлардан яхши натижаларга эришдилар.

Реймбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбек тандирлари.

Алимурод МАМАДАМИНОВ олган сурат.

Бу қанақаси бўлди?

БИР КЎЧАГА ИККИ НОМ

Бунақаси кам учрайди. Самарқанд шаҳрида бир кўчага икки ном қўйилган. Шу сабаб ҳамма норози. Арз-додини юқори ташкилотларга етказяпти. Лекин, жавоб йўқ.

— Халқларимизнинг маънавий ҳаётида чинакам жонбозлик кўрсатган зиёлилар Ш. Беҳбудий, С. Айний, А. Фитрат, Қодирий, Ҳамза, Сўфизода, Чўлпон ва Усмон Носирлар қаторида Ҳожа Муин Шукурулла ўғлининг ҳам муносиб ўрни бор, — дейди «Сўзангарон-2» маҳалла фаолларидан Зайни ака Ражабов. — Шу туфайли кўчамизга ана шу табаррук инсоннинг номи қўйилганда беҳад қувондик. Оташин публицист, истеъдодли шоир, драматургнинг 110 йиллигини тантанали нишонладик. У кишини биладиганлар ноҳақ қатағон бўлганлигини ва 1964 йил 4 октябрда вафотидан сўнг оқланганлигини кўзда ёш билан эслашди.

— Қувончу шодликлар узоққа чўзилмади. 1995 йил май ойида кўчанинг ярмига Мусин Ҳайдаров номи қўйилди. У киши ҳам бунга лойиқ инсон эди. Бутун умри давомида туманда ҳалол ишлаган. Шу кўчага кўчиб келган. Аммо наҳотки, Темирйўл туманида у кишининг номига қўядиган бошқа жой топилмаса? Келиб-келиб бир кўчага икки ном қўядими?! Устига-устак, Мўмин Ҳайдаров Ҳожа Муиннинг кўча бошидаги портретини кўпориб олиб ташлади. У кўча отасининг номида бўлишини, кўпчилик эса маърифатпарвар Ҳожа Муин Шукурулла ўғлининг номида бўлишини истайди. Шаҳар ва вилоят ҳокимликларидаги мутасадди кишилар эса ваъда бериш, «хўп-хўп»дан нарига ўтмаяпти...

Бор гап шу. Азиз муштарий, хулосани ўзингиз чиқаринг. Сиз-ку, майли-я, мутасадди кишиларчи? Ёки Ҳожа Муин мисраларида айтилганидек:

«Амалдорга пора бериб иш тутдим,
Бунинг учун хизмат ҳақи олдим мано!
Ҳай, аттанг, охир ўзим қўлга тушдим.
Ёмонликдан кўп балога қолдим мано!»ми?

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
Самарқанд шаҳри.

АЁЛЛАР СИЁСАТГА АРАЛАШАДИМИ?

Дунёда, сиёсатга эркаклар кўпроқ лаёқатли, деган «қотиб қолган» тушунча мавжуд. Аслида эса, назаримизда, «сиёсат юргизиш» хусусияти аёллар табиатида кўпроқ яширинган. Эр ва фарзандлараро аёл муносабатининг ўзи қайси сиёсатдан кам? Шу туфайли оилавий муҳит барқарорлиги таъминланади. Сиёсат — мувозанат санъати. Сиёсат — ўзидан зўр ва ўзидан ожизлар қаторида ўз мавқеини муносиб тута олиш санъати. Сиёсат — турли-туман, ҳатто бир-бирига қарама-қарши манфаатлар, нуқтаи назарлар орасида ўрта, кўпчиликка маъқул келадиган йўлни топиб юриш, бир томонга оғиб кетмаслик санъати. Энди, биродар, ўз ойлангиз мисолида, фақат ростини, айтинг-чи, бу санъатни сиз кўпроқ эгаллаганмисиз ёки хотинингизми? Албатта, хотинингиз. Чунки, ишонасизки, сиз «кучли»сиз. Шу асосда ўз «сиёсат»ингизни ўтказишга ҳаракат қиласиз. Ва бунда ҳеч қандай монеълик ёки эътирозга сабаб бўладиган жиҳатни пайқамайсиз. Хотинингиз «сиёсат»ингизни тўлиғича (сизнинг назарингизда) «қабул» қилар экан, уни (ўзгартирмайди, чунки «ўзгартириш» вазиятни кескинлаштиради) озгина «таҳрир қилади». Биз — эркаклар эса ташвишларимиз, шусиз ҳам, кўплиги ва сезги лаёқатимиз аёллар сезимидек «сезгир» эмаслигидан буни пайқамаймиз. Дейлик, сиз дўст-ёр келганда «кўриб қўйсин» учун магнитофон олмоқчисиз. У эса рўзғорга музлатгич заруррок эканига сизни ишонтиради. Бундай оилапарварликдан ўзингиз ҳам қувонасиз. Илгадингизми, хотинингиз сизнинг «сиёсат»ингиз доирасида ўз «сиёсат»ини юргизмоқда. Пировардида бундан мамнун бўлишингизга ҳам эришаяпти.

Ўқувчи шу ўринда енгил истеҳзо билан бош чайқаб қўйди: «Бу сиёсат эмас». Жудаям тўғри, бу СИЁСАТ эмас. Давлат раҳбарлари сиёсат юргизади. Президентлар сиёсат билан шуғулланади. Уларнинг хизмати шу. Хўш, ўшаларнинг ҳам аёллари борми?!!

Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассалламнинг моддий камбағаллик, моддий қашшоқликдан қутилиб, оёққа туриб олишларида Ойиша онамизнинг сабабчи бўлганларини эсланг. Шундан кейингина Пайғамбаримиз САВ илоҳий-маънавий-фикрий оламда буюк инқилоб ясашга тайёр бўлмадиларми? Демак, қалбларни ўзгартиришда Ойиша онамизнинг ҳам қай бир даражадаги иштирокини қайд этиш мумкинми? Келинг, бу мавзуда фикр билдиришга иқтидорли эмаслигимиздан уни очиқ қолдирайлик.

Шавкатли соҳибқирон Амир Темурнинг завжаи оқиласи, етти иқлимга довруғли, буюк давлат маликаси Бибихонимнинг тутган йўли, тадбири ҳазрат сиёсатини тўлдириб турарди. Эсланг, соҳибқирон бир мамлакатни забт этадию, аммо унинг халқини бўйсундира олмайди. Фозил вазиру вузаро ҳам арзирли маслаҳат беролмагач, пойтахт Самарқандда қолган Сароймулкхонимга чопар юборилади. Бибихоним хизматчиларни жўнатиб, чопар кўзи ўнгида фалон жойдаги чакалакзорнинг ҳар битта дарахтини қирқтиради. Ўрнини текислатиб, янги ниҳол эктиради. Ва, бу ерда кўрганларингни олампаноҳга батафсил гапириб бер, деб айтади. Завжасининг нима демоқчи бўлганини тушунган соҳибқирон унинг айтганидек қилди ва тўла ғалабага эришди.

Булар узоқдаги гаплар. Яқинроққа келайлик.

Президентлар давлат ва дунё миқёсида сиёсат юргизадилар. Аммо ҳар қандай сиёсий фаолиятга аёлларнинг, айниқса сиёсатдон хотининнинг таъсири катта бўлган. Америка президентларининг умр йўлдоши нафақат эрининг ҳаётида, балки мамлакат ички ва ташқи сиёсатида ҳам катта таъсир ва аҳамиятга эга бўлган. Кузатувчилар мулоҳазасига кўра, бу борада улар ўзга тақдирдошларидан — дунёнинг бошқа маликаларидан кўра кўпроқ мавқе ва нуфузга эга бўлганлар.

Авраам Линкольн лавозим ва обрўси учун хотини Мэри Линкольн олдида ўзини ҳамиша бурчли санарди. Чунки хотини шуҳчалик қизиққон, қайсар эканки, бўлажак президент рафиқасининг кўзига ҳадеганда кўринмаслик, уйдан эрта кетиб, кеч қайтиш учунгина ўзини сиёсатга урди. Мабодо, у кўнглидагидек аёлни учратганида президент эмас, оддий ҳуқуқшунос

Танаффус

бўлиб қолармиди?!

Америка президенти Франклин Рузвельтнинг хотини Элеонора Рузвельт завжининг масалакдош ва маслаҳатгўйи сифатида машҳур. У эрки ўзида, табиатан панд-насиҳат беришга мойил (Ҳелари Клинтон сингари) аёл бўлган. Садоқат борасида эса, хорижий матбуотнинг ёзишича, унинг маҳбублари бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас. Чунки, Франклин ҳам оёғи фалажлигига қарамай, аёлларнинг кўнглини овлашга ройиш билдирар эди.

АҚШда президентнинг хотинини «мамлакат маликаси» деб аташ русм бўлган. Лекин Барбара Буш президент эрининг ваколатидан фойдаланиб, аёлларга хос қаҳрамонлик кўрсатади. Яъни, расмий равишда ўзини малика эмас, миллат онабошиси деб атади. Розалин Картер узоқ-яқин одамларда, эрим Жим президент бўлса-да, гаҳ десам қўлимга қўнади, деган таассурот қолдирди. Нэнси Рейган эса, Розалиннинг акси ўлароқ, эри Рейганни еру кўкка ишонмаслиги ҳамда унинг ишларига аралашмаслигини очиқ-ошкора тан олшидан истиҳола қилмаган.

Энди янада яқинроққа, ўзимизнинг серқуёш Осиёга келайлик. Зеро, Осиёда ўзгача урф ва таомил. Бошқа тош-тарозу.

Мао Цзе Дуннинг хотини Цзян Цин Хитойдек улкан ва кўп кишилик мамлакатнинг бутун маданият ишларини ўз қўлига олган эди. Эрининг вафотидан кейин эса бутун ҳокимиятни қўлга олишга уриниб кўрди. Бироқ «тўртлар гуруҳи»га алоқадор саналиб кесилиб кетди.

Шимолий Корея давлат раҳбари Ким Ир Сеннинг рафиқаси Ким Сон Эннинг номи, йигирма беш йил мобайнида аёллар ташкилотини бошқаргани ҳамда парламент аъзоси бўлганигина маълум, холос. Ҳатто унинг ёши ҳам маълум эмас.

Францияда аёлларга муносабат Осиёдаги муносабатнинг гирт тескариси, деб ёзади хориж матбуоти. Масалан, Франция президенти Валери Жискар де Эстен хотини Анн Амон император Бокасснинг биллур туҳфаларини хуш кўришидан кўп изтироб чеккан. Анн Амон сиёсатга аралашмаса-да, эрининг обрў-эътиборига хийлагина доғ туширди.

Марҳум Франсуа Миттераннинг хотини эрининг хизмат лимузинидан шахсий манфаатларида фойдаланганлик воқеаси қанчалик шов-шувга сабаб бўлганини матбуотдан биласиз. Гапнинг сарасини айтганда, Миттераннинг бошқа маҳбубалари ҳам йўқ эмас эди. Ёзишларича, унинг қонунсиз туғилган қизи, демакки, қонунсиз «хотини» ҳам бўлган. Она-қиз ҳукумат қароргоҳида яшаган. Кўпгина расмий ва норасмий қабул маросимларида иштирок этган. Ҳукумат автомашиналаридан фойдаланган. Миттераннинг бундай «бағри кенглиги», шубҳасиз, унинг сиёсатдаги мавқеига сезиларли таъсир ўтказди.

Яна-яна яқинроққа, Русияга келайлик.

Бу ерда президентларнинг хотинлари турли шов-шувга сабабчи бўлмасалар-да, бундан уларнинг эр воситасида сиёсатга аралашиш даражаси озайгани йўқ. Масалан, Борис Ельциннинг хотини Наина Иосифовна мамлакатда инсонпарварлик ишларига катта ҳомийлик кўрсатади. Унинг энг асосий «вазифаси» эса президент табиатидаги қабариқ жойларни юмшатиб, текислаб туриш, яъни кичик «табиатни» катта «табиатга» уйғунлаштиришдан иборат, деб маълумот берилади матбуотда.

Ў-бу гапни қўяйлик. Собиқ СССРнинг собиқ президенти Михаил Горбачёвнинг хотини Раиса Горбачёва теварагида энг кўп шов-шув айланишган эди. Горбачёв посбонларининг сардори Владимир Медведевнинг гувоҳлигича, хотини Горбачёвга жуда қаттиқ таъсир ўтказа олган. Ҳордиқ жойидан Москвага қачон қайтиш каби маиший масалаларни хотин ҳал қилган. Ҳатто қўриқчиларга ҳам кўрсатмалар бера олган. Собиқ СССР давридаги машҳур «халқ ичига юриш»нинг ташаббускори ҳам Раиса Горбачёва бўлган экан, ажаб?! Машинани тўхтаттириб, «Михаил Сергеевич, шу ерда тушиб, одамлар билан гаплашишимиз керак», — дер, энг қизиғи, ҳамиша лимузиннинг президент учун махсус белгиланган ўриндиғида ўтирар экан. Кўпинча, «катта»нинг амалдаги кун тартибини ҳам хотини белгилаган. Маданият, тарих, тиббиёт, санъат истиҳоларини жорий этишдаги Раиса Максимованинг «тиришқоқ»лигини (ойнаижаҳон орқали) ҳали ўзимиз ҳам унутганимизча йўқ. Медведевнинг таъкидлашича, Горбачёв умрида бир мартагина — олиймақом зиёфатда одамлар эътиборини жалб қилиш учун мезбонлардан бирига беписанд муомала қилганида хотининнинг «жиловини тортиб қўйган».

Кўп ўтмай,собиқ СССР ва унинг биринчи ва охирги президенти тақдири нима кечганини яхши биласиз. «Президентнинг хотини» бир мамлакатда битта бўлса-да, унинг сиёсат ва давлат ишларига таъсири миллионлаб кишиларнинг тақдирига дахлдор бўлиши мумкин.

Салим АШУР.

«Ўзбекистон овози» рейди

• Тошкент телефон бирлашмаси бош муҳандиси Шуҳрат ОДИЛОВ: «Пойтахтда 470 мингта телефон нуқтаси бор. Шикоятчилар асосан АТСлар ўртасида алоқа қийинлигидан нолишяпти».

• Назорат хизмати бошлиғи Баҳодир МИРЗААҲМЕДОВ: «Бир телефонда 400 минг сўмлик халқаро сўзлашув бўлганини исботлашга тўғри келди».

• Қорақамишлик бизнесмен: «Роботга ёлғон гапиришни ким ўргатдийкин?»

• «Ўртоқ» қандолат фабрикаси бош электриги Рихсивой РАСУЛОВ: «Емаган сомса»га пул тўлаяпмиз».

• Жетон сотувчи аёл: «Таксофонлар учун жавоб бермайман».



Бу суратга изоҳ шарт эмасдир: бешта таксофондан биттаси ишлаяпти.
Владимир МОЛГАЧЁВ олган сурат.

ПАРИЖ ЯҚИНМИ ЁКИ ЭСКИ ЖЎВА?

Бу саволга жавобни мутасадди идоралардан изладик

Йигирманчи асрнинг охирги беш йиллигида яшаяпмиз. Бу даврга келиб фан-техника шу даражада тараққий топдики, эндиликда унча-мунча мўъжиза билан одамзодни қойил қолдиролмайсиз. Қачонлардир радио овозини эшитиб ёқа ушлаган одамларнинг авлоди бугунги кунда телевизорни ўтирган жойидан қўзғалмасдан ўчириб-ёқади. Томи тепасига карнайсимон антенна ўрнатиб, бутун дунёни томоша қилади. Кечқурун уйига келганда телефони тугмасини босиб, «аниқлагич» орқали кимлар қўнғироқ қилганидан воқиф бўлади. Уйқуга ётиш олдидан «буйруқ» берсангиз, шу телефон сизни уйғотиб қўяди. Чўнтакка солиб юриладиган аппарат кетаётган одамнинг қўйнида жиринглаб, қўчада биров ҳайратланмайди энди.

Ана шундай бир замонда пойтахтимизнинг қоқ марказида 33 дан бошланадиган телефон орқали 41-АТС телефонларига қўнғироқ қилиш жуда мушкул иш эканлигини айтсак ишонасизми? Метронинг «Мустақиллик майдони» бекатидан «Пахтакор»гача поезд сизни икки минутга қолдирмай етказади. Лекин Матбуотчилар кўчасидаги идорадан телевидениега қўнғироқ қилиш учун роса 45 дақиқа телефон гардишини айлантирдик, натижа бўлмади. Фақат 33 билан 41 боғланмаса бунчалик куюнмасдик. Ўзаро «муроса қилолмайдиган» станциялар Тошкентда қанча?! 42 дан 33 га тушиб бўлмайди, 65 дан 45 га, 47дан жуда кўп АТСларга. Мисолларни истаганча давом эттириш мумкин. «Ўздунробита» сизни Ер юзининг истаган мамлакати, масалан, Париж билан бир лаҳзада улайди, лекин Ишчилар шаҳарчасини Талабалар шаҳарчасига боғлашга келганда илож йўқ.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Самарқанд вилоят Кенгаши сессиясидаги нутқида алоқа хизматидаги камчиликлар ҳақида гапириб телефонлар одамларнинг узоғини яқин қилиш ўрнига, кўпроқ асабини ишдан чиқаришдан бошқа нарсага ярамаётганлигини таъкидлагандилар. Хўш, Тошкент телефонларичи? Ахир юртимиз кўрки-чиройининг рамзига айланган пойтахтимизда дунёга кўз-кўз қиладиган ютуқларимиз қанча! Қўшиқларда куйланган Тошкент пиёласи, беминнат хизмати билан хорижликларнинг ҳам ҳавасини келтираётган Тошкент метроси! Айни пайтда Тошкент телефонлари ҳозирги талабларни қондирадими, деган саволга ижобий жавоб беришимиз қийин.

Тошкент шаҳар телефон тармоқлари ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбариятига мавжуд муаммолар ҳақида, газетхонлар шикоятлари хусусида гаплашиш мақсадида мурожаат қилдик. Бирлашма раҳбари Шомансур Обидҳўжаев иккиуч кун ичида фурсати йўқлигини, барча масалалар бўйича бош муҳандис Шуҳрат Одиловга мурожаат қилишимиз мумкинлигини айтди. Айни пайтда телефонлаштириш тизимида кўп янгиликлар бўлаётганлигини, уларни назардан қочирмаслигимизни ишора қилди.

— Ҳозир Тошкентда 470 мингта телефон нуқтаси бор, — деб сўз бошлади Шуҳрат Одилов. — Одамларда телефон хизматига талаб тобора ошиб боряпти. Унга жавоб бериш учун катта маблағ керак. Лойиҳага кўра 2010 йилгача ҳамма алоқа тармоқлари электрон тизимга алмашиши лозим. Шу боис Германиянинг «Семинс» ва «Алкател» фирмалари билан ҳамкорликда ишлаяпмиз. Шикоятчилар асосан АТСлар ўртасидаги алоқа қийинлигидан нолишяпти. Мана, 32 билан бошланадиган телефонларни 36 га ўтказдик...

— Аҳвол яхшиландими?

— Шу савол билан 300 нафар абонент иштирокида сўров ўтказдик. Уларнинг 64 фоизи хизмат яхшиланганлигини, 24 фоизи аҳвол ўзгармаганлигини, 12 фоизи ёмонлашганлигини қайд этишди. Келгусида еттита рақамли телефон хизматини жорий этиш, кабелларни янгиларига алмаштириш, яна 5 та АТСни ишга тушириш амалга ошса аҳвол яхшиланиши шубҳасиз.

Аксарият корхоналарда эришилган натижаларни аввалги йил билан таққослаш орқали баҳолаш урф бўлган. Шу жиҳатдан бирлашма назорат хизмати бошлиғи Баҳодир Мирзааҳмедов билан фуқаролардан тушаётган шикоятлар ҳақида сўрадик. Маълум бўлишича, 1996 йилнинг январь ойида 468 та шикоят рўйхатга олинибди. Бу бултур шу даврдагига нисбатан 88 та кўп демакдир.

— Шикоятчи ҳамиша ҳам ҳақ бўлавермайди, — дейди Б. Мирзааҳмедов. — Масалан, яқинда бир мижоз 220 минг сўмлик тўлов қоғози олганлигини ва бундай бўлиши мумкин эмаслигини айтди. Масаланинг тагига етгунимизча ҳалиги рақам 400 минг сўмга етибди. Аниқланишича, абонентнинг эркатой ўғли ота-онаси ишга кетган пайтда бир иш қиларкан: У аллақайси газетада Ақш ва Исроил мамлакатларидаги муайян рақамларга қўнғироқ қилиб, телефон орқали шаҳвоний ҳирсни қондириш мумкинлигини ўқиб қолибди. Халқаро алоқа бўлганлигини исботлаб берганимизда ота бошини ушлаб қолди.

Суҳбатимизга бирлашманинг ташкилотлар билан ҳисоб-китоб бўлими бригадири Фарида Расулова қўшилди.

— Ҳар куни бўлимимизга ўнлаб ташкилот ва корхоналардан шикоятлар тушади. Кўпчиликнинг талаби шу ерда қондирилади. Қолганлари рўйхатга олиниб, назоратда бўлади. Куни кеча марказий универсал дўкони (ЦУМ) хизматчиси телефонда ким бошқа шаҳар билан алоқада бўлганлигини аниқлаб беришни талаб қилди. Синчковлик билан текширилгач, ишдан сўнг фаррош аёл бошқа шаҳар билан гаплашганлиги маълум бўлди. Текширувда дастлаб фаррошнинг уй телефони аниқланиб, ундан асосан қаерга қўнғироқ қилиши ўрганилди, маълум бўлишича, ЦУМдан ҳам худди уйидан қилинган рақамли телефонга қўнғироқ қилганлиги тасдиқланди. У хизмат пайтида телефондан фойдаланганини тан олди.

Навоий кўчасидаги шаҳарлараро телефон хизматига ҳақ тўлаш муассасасидамиз. Навбатда турганлар кўп. Асоссиз тўлов қоғози юборилганидан норози мижозлар ҳам учраб турибди.

— Телефон сўзини эшитсам ғалати бўлиб кетаман, — дейди Ш. Рашидов кўчасидаги 40 «в» уйда яшовчи Гавҳар Абдуллаева. — Қарийб ўн саккиз йилдан буён 56-83-87 номеридан фойдаланиб келамиз. Лекин ҳеч маҳал ҳозиргидек аҳволга тушган эмасман. Шу йил февраль ойидан телефонимизни узиб қўйишди. Сабабини билишга АТСга борсам, марказий телеграфга юбордилар.

У ердагилар қўлимга квитанция тутқазишди. Чўчиб кетдим. Москванинг коди билан 7 минг сўмга яқин гаплашган эмишман.

Ўзим шифокор, қизим лицейда ўқийди. Москвада таниш-билишим йўқ. Қаёқдан чиқди бу туҳмат?! Телефонимиз ҳануз узилган. Бошқалар хатоси учун тўлайдиган ортиқча пулим ҳам йўқ.

Ҳисоб-китоб бўлими ёнгинасида тўловларни қабул қиладиган алоқа тармоғи мавжуд. Бу ерда доимо одамлар тирбанд. Кўпчилик шу ернинг ўзида сўзлашув учун пулни тўлашга, сўнгра квитанциясини кўрсатиб, масалани ҳал қилишга интилади. Бироқ почта тармоғидан фақат битта касса пул қабул қилгани учун ўнлаб мижозлар доимо узоқ муддат навбат кутиб туришади.

Яқинда бир танишимиз айтиб қолди: бу ерда навбатда турса бир фуқаро телефондаги халқаро сўзлашув учун... 39 минг 600 сўм нақд пул тўлабди. Яна денг уч, беш, ўн сўмлик пулларни. Почта тармоғидаги шу ягона кассада ҳам пул санайдиган автоматик қурилма бўлмагани туфайли юқоридаги суммани кассир аёл чорак кам бир соат санаб олибди. Хўш, ўзўзидан савол туғилади. Бу ердаги тўлов қабул қилиш кассасини икки ёки учта қилиб қўйса бўлмайдими? Ахир ундан мижозлар ҳам шу почта тармоғининг ўзи ҳам наф кўради-ку!? Шундай қилинса, балким, одамлар беқорга вақтларини сарфлаб, уззу-кун навбатда туришмасди.

— Бизга робот телефон қилди, — дейди 29-АТС мижози (ўз номини айтмади). — «Беш кун ичида қарзни тўламасангиз, телефонингиз узиб қўйилади» деган йўғон овозни эшитдим. «Ҳой, барака топгур, нега?» десам, робот гапимга қулоқ солмади, қисқа гудоклар қулоғим остида жаранглади. Шуни аниқлагани келувдим. Роботга ёлғон гапиришни ким ўргатдийкин?! Қарзим йўқ экан. Шунга ярим куним кетди. Мен бизнесменман, беҳуда кетган вақтимга ачинаман.

— Мен бошқа шаҳарлардан фақат Нукусга қўнғироқ қилишим мумкин, — дейди мижоз Л. Купче. — Лекин манави қоғозларда 493 сўм, яна 112 сўм тўлашим керак-лиги кўрсатилган, Эмишки, бизнинг телефонда 259, 384, 373, 048, 042 кодлари орқали шаҳарлараро сўзлашуви бўлибди, тавба, асоссиз тўловномалар битта бўлмаса, иккита бўлмаса. Баъзан уйга қўнғироқ бўлганда «Бу «Қора олтин» фирмасими?» деб сўрашади. Ким билсин, телефонимиз фирмага улаб қўйилганми?!

— Бу қанақаси, — важоҳат билан кириб келди 75-01-35 рақамли телефон соҳиби Муҳиддин Исоқов. — Москва билан гаплашганлик учун 700 сўм тўлашим керак экан. Мени у ерда ҳеч кимим йўқ.

Қисқа вақт мобайнида шунча шикоят, балки улар орасида ноҳақлари ҳам топилар. Лекин арзгўйларнинг асосий қисми беҳуда безовта қилинганларини компьютер орқали исботлаб беришяпти-ку?!

— Мен «Ўртоқ» қандолат фабрикаси бош электриги Рихсивой Расуловман, — деб таништирди навбатдаги шикоятчи. — 1994 йилдан буён корхонамизда 5 та телефон ишламайди. Айтишларича, метро қурилиши давомида кабелларнинг устига бетон қўйиб юборилган эмиш. Арз қилавериб чарчадик. Алоқа вазирлигида ҳам шикоятимиз натижасиз ётибди. Ишламаган телефонлар учун ҳақ тўлаб борилмоқда. Худди емаган сомсага пул тўлагандай...

Энди мана бу шикоятга қулоқ тутайлик:

— Жарариқ даҳасида 50 та хонадонга телефон ўрнатиш учун одамларнинг шахсий маблағи ҳисобига кабель ўтказилди, — дейди шу даҳадаги Оқтепа маҳалла кенгаши раиси Абдуқосим Абдушукуров. — Барча техник имкониятлар мавжудлигига қарамай телефон рақами бериш пайсалга солинмоқда. Собир Раҳимов туман алоқа бўлимига борсак, Чилонзор туманига ҳавола қилишади. У ерга борсак, яна бошқа ёққа... Хуллас нафақат даҳамиздаги телефонлар, бу соҳага масъул мутасаддилар ҳам безабон.

Илгари Тошкентнинг қайси бурчагида бўлманг, бирор жойга қўнғироқ қилиш зарурати туғилса, таксофонлар орқали ҳожатингиз чиқарди. Энди-чи? Амир Темур хиёбони ёнидаги курант тагида 10 та таксофондан 4 таси «ишлаяпти». Қолганлари занжирбанд — қулфлаб қўйилган.

— Беш сўмга сотиб олган жетонимни автомат ютдию, лекин чурқ этмаяпти, — дейди ўзини Носир деб таништирган одам. — Сергелига, уйимга қўнғироқ қилолмаяпман. Автобусда бориб келишга тўғри келади, шекилли.

Шу ерда эллик ёшлар чамаси опахон (ўзини Зуҳра Ортиқова деб таништирди) жетон сотиб ўтирибди. Лекин у соқов автоматларга жавоб бермаслигини ҳужжат орқали тушунтирди. Одамлар унга мурожаат қилавериб жонига теккан чоғи опахон муҳр билан тасдиқланган қоғозини кўрсатди: «Оператор по реализации жетонов, за работы таксофонов не отвечает».

Бунинг учун ким жавоб беришини жудаям билгимиз келади. Ушбу манзара шаҳарнинг бирор чеккасида эмас, қоқ марказида бўляпти. Ҳатто шаҳар ҳокимлигидаги мутасаддилар дераза-сидан шу аҳволни кузатишлари мумкин.

Насриддин Афандидан хат битиб беришни сўрашибди. «Иложим йўқ, оёғим оғрияпти» деб рад қилибди. «Хатни кўл билан ёзасиз-ку, оёқнинг нима дахли бор?» деса, «Дастхатим шунчалик бадхатки, уни ўзим бориб ўқиб беришим керак» деган экан. Тошкент телефонлари ҳам узоқни яқин қилиш ўрнига оёқни зўриқтиряпти. Албатта, айбни нуқул бир томонга юклайвериш ҳам инсофдан эмас. Баъзан ўзимиз ҳам телефондан фойдаланиш маданиятини билмаймиз. Таксофон олдида жетон сотаётган опанинг айтишича, туппа-тузук одамлар автомат-телефонга жетон ўрнига ўн тийинлик танга, баъзан гугурт чўпни тиқишар экан. Бунақа муносабатга темир ҳам бардош беролмайди.

Лекин барибир алоқа хизматидаги нуқсонлар талайгина. Ўз уйимизда ўзимиз шундай тартиб ўрнатайликки, ҳамма бу хизматдан баҳраманд бўлсин. Юқоридаги муаммоларга жамоатчилик эътиборини қаратишдан мақсадимиз шу.

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбирлари.

Рассом Маҳмуд Эшонқулов чизган расмдаги ҳолат эҳтимол бироз муболағадир, лекин аҳвол шу кетишда давом этса, телефонда сўзлашув ҳам тижоратчилар ихтиёрига ўтиши ҳеч гап эмас.

Саломатлик сандиғи

ҲАРАКАТ ҲАМ ДАВО

Йўғон ичак қўзғалиш хасталиги билан оғриган беморлар сони кейинги пайтда сезиларли даражада ортяпти. Бу хасталик шаҳарликлар орасида кўпроқ учрайди. Негаки, улар ҳўл мева, кўкат, сабзавот, қора нон ва шу каби маҳсулотларни камроқ истеъмол қилишади. Бу эса ичакда овқатнинг секин юришига, босимнинг кўтарилишига олиб келади. Оқибатда ичак деворлари таранглашиб, асаб тугунлари тортишади ва оғриқ пайдо бўлади.

Кам ҳаракатлилик (гипокинезия), ўтириб ишлаш ҳам бу касалликнинг асосий сабабларидан. Бунда оёқ ости рецепторларининг фаолияти сустлашади, йўғон ичак ҳаракатлари камаяди. Шу боисдан ҳам инсон учун бу хасталикнинг олдин олиш йўли — жисмоний меҳнат, ҳаракат, пиёда юришдир. Оёқ остидаги рецепторлар турли ичак касалликларининг ҳаракат мувозанатига қараб, ўзаро мувофиқлаштириб, назорат қилиб туради. Одам қанча кўп юрса рецепторлар қўзғалиб, ичакларнинг ҳаракати тезлашади.

Зотан, доимий ҳаракат, сайр қилиш, бўш вақтда жисмоний меҳнат билан машғул бўлиш соғлигингизни тиклайди. Умрни узайтиради.

Баҳодир ҲАМИДОВ,
тиббиёт фанлари номзоди.

САДАФ ТИШЛАР

Одатда болаларнинг тишлари оғриса ёки касалликка чалинса кўп ширинлик ейишига йўямиз. Гап фақат болажонларнинг кўп ширинликка учликларидами? Аслида-чи?

Бола ёшликданоқ тишининг тўғри шаклланиб, милкни текис ёриб чиқишида тўғри овқатлантириш муҳимлигини гоҳо унутиб қўямиз. Чунки озиқ-овқат маҳсулотлари ривожланаётган ёш организмнинг тўқима ва тана аъзолари учун «озуқа» ҳисобланади. Гўдакнинг дастлабки давридан то 3 ёшга тўлгунча, унинг танасига маълум элементлар, микроэлементлар, витаминлар, ёғ ва углеводларни керагича бериб туриш лозим.

Тиш-жаг тизимининг яхши ривожланиши ва ўсиши учун бола танасига балансланган миқдорда оқсил, углевод, ёғ тушиши ҳам ўта муҳим. Боланинг 3 ёшга тўлгандан кейин касалланган сут тишларини вақтида даволатмаслик тишжаг бузилишларига сабаб бўлади. Кейин эса сут тишлар доимий тишлар билан алмашади. Янги доимий тишлар қаторида нотўғри жойлашиш, тўдалашиб, устма-уст чиқиб кетиши кузатилади. Бундай пайтда болани ўз вақтида тиш шифокори назоратидан ўтказиш керак. Тишларнинг соғлом бўлиши боланинг ақл-заковати шаклланишида ҳам муҳим ўрин тутади. Шуниси ҳам борки, зеҳни ўткир болаларда асаб, ошқозон-ичак, юрак хасталиклари камроқ учрайди.

Унутманг, садафдек тишлар фарзандингизнинг кўркам бўлиши билан бирга болажонларнинг сиҳат-саломатлиги гарови ҳамдир.

Рауза МУСИНА,
олий тоифадаги шифокор.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

МУДОФАА ХАРАЖАТЛАРИ КЎПАЙДИ

• Жанубий Осиё мамлакатларида иқтисодий аҳволнинг яхшиланиши ҳамда «совуқ уруш» барҳам топиши натижасида замонавий қурол-яроғ билан савдо қилувчи фирмалар ўртасидаги рақобат кучайиб кетди. Бу минтақада қуролланиш пойгасининг тезлашувига сабаб бўлди.

Япония, Индонезия, Малайзия, Жанубий Корея, Таиланд, Тайван ва Сингапур 1995 йилда миллий мудофаа учун 130 миллиард доллардан зиёд маблағ сарфлаган. Бу кўрсаткич ушбу мамлакатларнинг 1983 йилдаги мудофаа харажатига нисбатан тўрт баробар кўпдир. Ушбу мамлакатлар орасида Хитой кейинги йилларда қуролланиш пойгаси борасида олдинга чиқди. Ўтган йили мудофаа харажатлари Хитой миллий бюджетининг 13 фоизини ташкил этган.

МАНСАБНИ СУИИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШДИ

• Мансабни суиистеъмол қилиб, ундан ғаразли мақсадлар йўлида фойдаланганларга қарши ҳамиша курашиб келинган.

Америка қитъаси давлатлари ташкилотига (АҚДТ) аъзо 35 мамлакат ташқи ишлар вазирлари 26-29 март кунлари Венесуэла пойтахти Каракас шаҳрида ана шу муаммони муҳокама қиладилар. Кузатувчиларнинг фикрича, ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбарлари учрашувида коррупцияга қарши кураш тўғрисида халқаро шартнома имзоланади. Мазкур шарномага кўра, коррупцияда айбланиб қўшни мамлакатларга қочган мансабдон шахслар талаб қилинганда ўз мамлакатига қайтарилиши шарт.

Айни вақтда Перунинг коррупцияда айбланган собиқ Президенти Алан Гарсиа Колумбияда, Эквадор вице-президенти Альберто Даик Коста-Рикада, Мексика бош прокурорининг собиқ ўринбосари Мариу Руиз Массье эса АҚШда муҳожирликда яшамоқда.

МАЛИКАНИНГ АЙТГАНЛАРИ

• «Аёл киши учун биринчи ўринда унинг оиласи, сўнгра эса касби туради. Лекин аёл агар қатъий қарор қилса, профессионал шахматда эркаклардан қолишмаслиги ҳам мумкин», — деди аёллар ўртасида шахмат бўйича жаҳон чемпиони Жужа Полгар Испаниянинг «Мундо» газетаси мухбири билан суҳбатда.

Маълумки, Жужа Полгар яқинда Испаниянинг Хаен шаҳрида жаҳон шахмат тожи учун бўлган баҳсда ғалаба қозонди. Жужанинг фикрича, XXI асрда компьютер энг кучли шатранжбоз бўлади. Аммо шахмат спорт тури сифатида ҳеч қачон ўлмайди.

ТЕПЛОХОД ҲАЛОКАТГА УЧРАДИ

• Филиппин ҳукумати мамлакат жанубий қирғоқларига яқин жойларда сузаётган кемаларга Буюк Британиянинг ҳалокатга учраган «Сагафьорд» теплоходига ёрдам беришларини сўраб мурожаат этди. Мазкур кемада 776 нафар киши бўлиб, айни вақтда уларнинг ҳаёти хавф остида турибди.

Филиппин қирғоқлари яқинида кемаларнинг ҳалокатга учраши оддий ҳолатга айланган. Маълумотларга кўра, ушбу мамлакат қирғоқлари яқинида йилига 100 дан зиёд катта ва кичик кема ҳалокатга учрайди. Февраль ойида шундай ҳалокат натижасида 50 нафарга яқин киши ҳалок бўлди.

ҚИСҚАЧА АЙТГАНДА

• Россия Президенти Борис Ельцин Москвага расмий ташриф буюрган Белорусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко билан икки соатлик музокаралар олиб борди. Музокаралар сўнггида иккита ҳужжат имзоланди.

* * *

• Ўтган шанба куни Куба қирувчи самолётлари АҚШнинг иккита хусусий самолётини уриб туширди. Бунинг натижасида тўрт нафар Америка фуқароси ҳалок бўлди.

* * *

• Собиқ Югославия бўйича халқаро трибунал Серб краинаси собиқ раҳбари Милан Мартич иши бўйича терговни бошлади. М. Мартич Загреб шаҳрини ўққа тутиш бўйича буйруқ берганликда айбланмоқда.

КУЧЛИ ЁНҒИН РЎЙ БЕРДИ

• Жанубий Кореядаги энг йирик савдо мажмуаларидан бири — «Лотте» универмагида кучли ёнғин рўй берди. Ёнғиндан талвасага тушган минглаб харидорлар жон сақлаш мақсадида бино томига чиқиб олган. Айни вақтда полиция вертолётлари ва қутқарувчилар гуруҳи уларга кўмакка келди.

Ёнғинни бартараф этиш учун 100 га яқин ўт ўчириш машиналари жалб этилган.

Шуни такидлаш керакки, бундай воқеа мамлакатда илк бор рўй бераётгани йўқ. Ўтган йили июнь ойида Сеулнинг йирик универмагларидан бири қулаб тушган эди. Ўшанда 500 киши ҳаётдан кўз юмган.

ИШСИЗЛАР СОНИ ОШМОҚДА

• Россия Федерациясининг Архангельск вилоятида ишсизлик даражаси мамлакатнинг бошқа ҳудудларига нисбатан уч баробар кўпдир.

Мутахассисларнинг ҳисоблашича, вилоятда ишсизлар сони яна ортади. Чунки, «ортиқча одам»лар сони ҳудуд бўйича йилига икки карра ортиб бораётир. Бу жараённи тўхтатиш учун эса вақт талаб қилинади.

БОШИДАН ҚАТТИҚ ЖАРОҲАТЛАНГАН ПОЛИЦИЯЧИ 7 ЙИЛДАН КЕЙИН ЎЗИГА КЕЛДИ

АҚШнинг Теннесси штатидаги Чаттануга шаҳрида яшовчи полициячи Гэри Докери 1988 йил 7 сентябрида хизмат вазифасини бажараётганда безорининг ўқидан пешонасидан қаттиқ жароҳатланди. Жиноятчини 38 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилишди. Бироқ чала жон (кома ҳолатида) Гэри касалхонада қолиб кетди. Хайрият, Гэрини яхши кўрувчи опаси ва акаси бор экан. Улар укасининг бош мияси оз бўлса-да ишлаб, тирикликдан аломат бераётган экан, демак тузалишига умид бор дейишди.

Гап шундаки, Америка қонунчилигига кўра, агар врачлар аҳволни ўнглаб бўлмайдиган ҳолатда деган фикрни билдириб, бунга беморнинг яқинлари розилик билдиришса, касалнинг ҳаётини таъминлаб турган аппаратура ўчирилади.

Гэри полициячи бўлмаганида ва муддатсиз алоҳида тиббий хизмат ҳуқуқига эга бўлмаганида, балки қариндош-уруғларининг ҳам қатъий талаби ёрдам бермаган бўлурди. Чунки АҚШда тиббиёт хизмати анча маблағни талаб этади ва уни кўпчиликнинг ҳам чўнтаги кўтаравермайди. Шу боис айрим ҳолларда оғир касалга учраган беморларнинг қариндошлари бундан кейин касал учун қўшимча маблағ сарфлашни ортиқча харажат ҳисоблаб, аппаратурани ўчиришга розилик беришади.

Қарангки, Гэрини ҳудонинг ўзи ярлақаган экан. У қарийб 7 йил касалхонада жонсиз ҳолатда ётди. Февраль ойининг қуёшли кунларидан бирида ҳамшира у ётган хонага кириб, беморнинг ўзига тикилиб қараётганини сезиб қолди. Ҳамшира секин савол берганди. Гэри ҳеч нарса бўлмагандек жавоб бериб қолса бўладими... Кейин денг, у 18 соат мобайнида тинмай гапирди. Ўғиллари улгайиб қолган бўлсада уларни тезда таниди, 7 йил аввалги воқеаларни ҳам эслай олди. Ҳатто эски «Жип» автомашинаси қай аҳволдалиги билан қизиқди. Кейин бирдан у пневмония ҳолатига тушиб қолди. Жарроҳлар Гэрининг яқинлари розилиги билан уни операция қилишга киришдилар. Ҳозир ҳамма гап организм резервларига боғлиқ бўлиб турибди. Чунки Гэри Докери организми етти йил ичида анча ҳолсизланиб қолган эди-да.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган танловга

Боқий шажара

АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР

Ташқи сиёсат ва дипломатия

(Йигирманчи мақола)

Зайналобидиннинг кейинги тақдири масаласи ҳам қизиқ. Юқорида дунё ўлкаларидаги сиёсий аҳволга тўхталарканмиз, барча жойда ички ва ташқи зиддиятлар, бошбошдоқлик ҳукмронлик қилганини айтгандик. Музаффарийлар ҳам бундан мустасно эмасдилар. Шу сабабдан ҳам Амир Темур илтифотидан қочиб Шуштарга борган Зайналобидин амакиси буйруғи билан дарҳол зиндонга ташланади. Бу ҳам етмагандай кўзи кўр қилиниб, метиндек мустаҳкам Сафид (Оқ) қалъасида тутқинликда тутилади. Бу ёғи ҳам қизиқ. 1393 йили Амир Темур қўшинлари мазкур қалъани забт этганларида Зайналобидинни халос қилиб соҳибқирон ҳузурига келтирадилар. Амир Темур унга меҳрибонлик кўрсатиб кўп совғалар беради ва биродари Султон Шибли билан қўшиб Самарқандга юборади ва у ердан уларга ер-сув (иқто) ажратиб ҳам беради (Султон Шибли ҳам кўр қилинганди ва бу ҳақдаги буйруқни эса ўз отаси Шоҳ Шужо берган).

Қолган музаффарийлар намояндаларига келсак Шоҳ Мансурдан ташқари барчаларига Амир Темур ўз мулкларини бошқариш ҳуқуқини қайтариб берган. Кўриб турганимиздек, маҳаллий ҳокимларга, сулолаларга ўз юртида ҳукмронлик қилиш ҳуқуқларини қолдириш сиёсати Амир Темур олиб борган ташқи сиёсатнинг муҳим томонларидан бири бўлган. Хўш, бунинг сабаблари нимада? Фикримизча, бу ерда камида икки жиҳат бор,: 1) соҳибқироннинг феъл-атвори, дунёқарашидаги шахсий хусусиятлар натижаси; 2) бу йўлнинг амалий нафи. Яъни, тинч ва дипломатия йўли билан оғдирилган рақиб, агар унинг манфаати узил-кесил йўққа чиқарилмаса, яна хизмат қилиши мумкин. Акс ҳолда у душманга айланади, курашни давом эттиради.

Шу ерда биз яна юқорида тилга олинган 1387 йилга қайтамиз. Айтилганидек, бу вақтда соҳибқирон тарихий Озарбайжонда (ҳозирда жануб қисми Эронга, шимоли Озарбайжон Республикасига тегишли) турарди. «Амир Темурни бу ёққа нима бошлаб келганди?» деган савол туғилиши табиий. Соҳибқироннинг ташқи сиёсий стратегияси ҳақида сўз юритиб биз ундаги жануб ва ғарб йўналишларини ҳам тилга олгандик. Бу борада дастлабки қўйилган қадамлар Хуросон, Сейистон ва Қандаҳорни бирлаштириш имконини берган ва бу билан жануб масаласи деярли ҳал бўлганди. Шундан кейин эса сўнгги ва кейинчалик маълум бўлишича (ким билсин, балки Амир Темурга олдиндан маълум бўлгандир), асосий йўналиш — ғарб масаласи қўндаланг турарди.

Амир Темур ғарбга томон ҳам шимолий Эрон, ҳам жанубий Эрон орқали кириб бориши мумкин эди. Соҳибқирон биринчисини танлайди. Зеро, жанубий Эрон бўйлаб юриш табиий-жуғрофий қийинчиликлардан ташқари сиёсий жиҳатдан қалтис эди. Биринчидан, ўша пайтларда музокара ва дипломатия йўли билан камида безарар қилинган музаффарийлар билан алоқа бузиларди. (Кермон ҳокимининг Шоҳ Шужога хатини эслайлик). Иккинчидан Самарқанддан узоқлашиб кетишга тўғри келарди. Натижада, Мовароуннаҳрга тарихий Мўғулистон ва Олтин Ўрдадан, Хуросонга шимолий Эрондан Амир Валининг тахдиди учун шароит туғиларди. Шимолий Эрон орқали ҳаракат эса ҳар жиҳатдан нафли, энг муҳими ўша давр геополитикаси ва ундан Амир Темур кўзлаган мақсадга тўла мос тушарди. Яъни, биринчидан, шимолий Эрондаги сиёсий кучлар масаласи ҳал этилиб, бу минтақада мустаҳкам мавқега эга бўлиш имкони туғиларди. Ва бунга Эроннинг Кермон, Форс, Курдистон каби вилоятларида фаолият кўрсатаётган музаффарийлар сардори Шоҳ Шужо билан келишув ва хайрихоҳлик (ҳатто назарий жиҳатдан ҳам) эътиборга олинса, соҳибқирон тарихий Озарбайжондан ташқари деярли тамом Эронни ўз таъсирига тортиш имконига эга бўларди. Иккинчидан, бу пайтда тарихий Озарбайжон бир қатор сиёсий кучларнинг диққат марказида эди. Булар: жалойирийлар, қароқўйунлийлар, музаффарийлар (айниқса Шоҳ Шужо даврида), Олтин Ўрда, Кичик Осиё туркий сулолалари, айниқса усмонилийлар ва Амир Темур. Тўғри, мазкур кучларнинг бу йўналишда имконлари турлича бўлган. Дажла дарёси юқори қисми ва Ван кўли жанубий оралиғидаги водийда фаолият кўрсатган қароқўйунлийлар кўпроқ жалойирийларга қарам эдилар. Лекин бу на музаффарийлар, на қароқўйунлийлар Озарбайжонга нисбатан ўз стратегияларидан қайтдилар дегани эмасди. Мазкур маконда манфаатлари кесишган асосий томонлар эса Олтин Ўрда, жалойирийлар ва Амир Темур эди. Катта қудратга эга бўлишларига қарамай усмонийлар кўпроқ «чўғни бировнинг қўли билан ушлаш» сиёсатини олиб борардилар. Бунинг сабабини уларнинг бу вақтда нақд бўлиб турган Болқон масаласи билан фаол шуғулланаётганликлари орқали изоҳлаш мумкин.

Амир Темур ёрдами билан «одам» бўлган Тўхтамиш Оқ Ўрда тахтини эгаллагач, тез орада тамом Олтин Ўрдада ўз мавқеини ўрнатишга муваффақ бўлганди. 1380 йили машҳур Мамайни енгиб у Олтин Ўрда, жумладан, Қрим ва шимолий Кавказни ҳам ўз ҳукми остида бирлаштирганди. Натижада у жуда катта ҳарбий, моддий ва албатта сиёсий қудрат эгасига айланади. Ўз ўрнида эса Олтин Ўрданинг ҳам эскидан шакланиб келган геополитик манфаатлари бўлганини ёдда тутмоқ лозим. Яъни, Шарқий Европа, Кавказ орқали Озарбайжон ва Эрон ҳамда Мовароуннаҳр йўналишлари. Олтин Ўрданинг Мовароуннаҳрга нисбатан сиёсати ҳақида юқорида бир қадар тўхталиб ўтдик. Олтин Ўрда ва Шарқий Европа муносабатлари ҳақида бир томонламалик руҳида битилган «СССР тарихи» дарсликларидан оз-моз бўлса ҳам, биламиз. Шунинг учун асосий эътиборни Олтин Ўрданинг Озарбайжонга нисбатан стратегиясига ойдинлик киритишга жалб қилмоқчимиз.

Олтин Ўрда мазкур йўналишда доимо фаол ҳаракат қилиб келган. Озарбайжонга эгалик қилиш сиёсий жиҳатдан Эрон, Ироқ, Кичик Осиёга таъсир ўтказиш имконини берса, иқтисодий томондан Шарқ ва Ғарбни туташтирувчи жанубий магистрал-карвон йўлларини назорат қилиш имконини берарди (бир тасаввур қилайлик, Шарқ ва Ғарбни боғловчи шимолий йўналиш ўз маконидан ўтган Олтин Ўрда учун бу қандай улкан сиёсий-иқтисодий манфаат туғдирарди). Шу сабаблардан ҳам ўз вақтида Олтин Ўрда ва ҳалоқуйилар ўртасида катта қарама-қаршиликлар рўй бериб турган. Масалан 1263-1264 йиллари Кура дарёси чап қирғоғида улар ўртасида жуда қаттиқ қонли жанг бўлган. 1356 йили эса Олтин Ўрда ҳукмдори Жонибеҳон (1342-1357) Табризни эгаллаб, бу ерда ҳатто ўз номидан тангалар зарб этгани маълум. Ўз ниятларини амалга ошириш йўлида олтинўрдаликлар барча мавжуд воситалардан фойдаланганлар. Чунончи, ҳалоқуийлардан Абоқохон (1265-1282) даврида Табризда ёнларидан маблағ харжлаб ўз хонлари номидан масжид қурдирганлар ва маҳаллий аҳолига мафкуравий жиҳатдан таъсир ўтказмоқчи бўлган (мусулмон оламида масжидларнинг тутган ўрнини эслайлик).

Озарбайжонда мустаҳкам ўрнашиб олишга интилиш жалойирийларда ҳам ўзига яраша сезиларли эди. 1384 йили Амир Темур Рейда (Теҳрондан жанубда жойлашган) бўлиб турганида Султон Аҳмад жалойир Султонияни мустаҳкамлаш ишига бел боғлайди. Аммо соҳибқирон яқинлашиб келаётганини эшитиш биланоқ Бағдодга қочади. Бир ой ўтиб шу, яъни 1385 йил қишида Озарбайжонга Тўхтамиш юборган қўшин Кавказ орқали кириб келади. Улар бир ҳафта мобайнида Табризни қамал қилиб ҳаммаёқни остин-устун қиладилар. Айниқса, масжид ва мадрасалар катта талофат кўриб хонавайрон бўладилар. Манба тили билан айганда, йиллар давомида бу ерда тўпланган бойлик ўн кун ичида талон-торож қилинади. Аммо бу вақтда Амир Темур Тўхтамиш қўшинларига қарши бирон тадбир қўлламайди. Чунки бу пайтда, фикримизча, соҳибқироннинг қудрати ҳам, вазият ҳам бунга йол бермасди. Афтидан, шулардан келиб чиққан ҳамда музаффарийлар ва жалойирийларнинг иттифоқ қиришларини ҳисобга олган ҳолда (ким билсин, балки Амир Темур улар ҳар ўзаро дипломатик алоқалардан ҳам хабардор бўлгандир) келаси 1386 йили соҳибқирон шимолий Эрон бўйлаб яна бир бор сафарга чиқади. Ўйлаймизки, мазкур юришдан Амир Темурнинг бир амалий мақсади бўлган. Яъни музаффарийлар масаласини ойдинлаштириш. Буни шундан ҳам билса бўладики, соҳибқирон Кичик Луристонга ҳаракат қилиб унинг маркази бўлмиш Хуррамободни эгаллайди ва бу билан музаффарийларни шимол, яъни Озарбайжон билан алоқаларини узиб қўяди. Мазкур мўлжалнинг нечоғли тўғри бўлганини тез ўтмай содир бўлган воқеалар исботлайди. Биз бу ерда Султон Аҳмад жалойирнинг Бағдоддан лашкар тортиб Табризга йўлланганини назарда тутмоқдамиз. Аммо Султон Аҳмад жалойир бу сафар мақсадга эришмай орқага қайтади. Бунга уни олдинроқ ҳаракат қилган Амир Темур мажбур қилганди. Иккинчи томондан эса Табриз томон йўлга чиққан соҳибқирон қўшинларига дош беролмасликка унинг ақли етганди. Шундай қилиб худди шу вазиятда қуйидагилар маълум бўлиб қолганди: Музаффарийларнинг бошқа кучлар билан алоқаси узилган ва Султон Аҳмад жалойир Амир Темур билан тўқнашишга имкони йўқ. Буни яхши англаган, аниқроғи худди шунга интилган соҳибқирон кейинги, энг муҳим режани амалга оширишга киришади. Манбаларда ёзилишича, у шимолга қараб юриб, то Элбурзгача бўлган ҳудудда илк бор ўз назоратини ўтказишга муваффақ бўлади. Шу ерда биз бир масалага диққатни жалб қилмоқчимиз. То шу чоққача Амир Темур ташқи сиёсати масалаларига баҳо берилганда деярли доим бир анъана ҳукм суриб келган. Яъни соҳибқироннинг ҳарбий юришлари фақатгина унинг ҳарбий манфаати ва салтанатпарастлик режаларини рўёбга чиқариш йўлида амалга оширилган. Гўёки унинг тамом фаолияти уч йиллик, беш йиллик, етти йиллик юришлардан иборат бўлган ва бутун умрини у шунга бағишлаган. Ўша давр воқелигини таҳлил қилиш ва ундаги Амир Темурнинг фаолиятини ўрганиш шуни кўрсатяптики, масала биз ўйлагандан кўра анча мураккаброқ бўлган. Шу маънода юқорида зикр этилган тадбирлар, воқеликлардан келиб чиқиб соҳибқироннинг Элбурзга қадар ҳудудда ўз назоратини ўрнатишини харита орқали мушоҳада этсак. Бундай қилинганда бизнинг тасаввурларимиз бутунлай ўзгаради. Аниқроғи Амир Темурнинг мўлжали ойдинлашади. Яъни Элбурзгача бўлган ерларни эгаллаш билан соҳибқирон Кичик Осиё (усмонлийлар) билан шимолий Кавказ (Олтин Ўрда) ва шимолий Кавказ билан жанубий Озарбайжонни бир-биридан узиб қуйган. Ўзига қарши шайланган Тўхтамишхон, Султон Аҳмад жалойир, усмонлийлар, музаффарийлар орасига тўғаноқ бўлиб ёриб кирган. Уларнинг ўзаро муносабатда бўлиш йўлларига ғов солган. Унинг бу мўлжали нечоғлик тўғри бўлганини кейинги воқеалар тўла тасдиқларди.

Қорабоғда қишни ўтказаётган Амир Темурга Тўхтамишхон Дарбанд орқали Самур дарёси томон (ҳозирги Доғистонда) қўшин юборгани ҳақида хабар келади. Бу воқеа 1387 йилнинг баҳори арафасида эди. Агар биз юқорида зикр қилганимиздек, Олтин Ўрданинг Озарбайжонга нисбатан стратегияси, чунончи XIII-XIV асрлардаги Табриз йўналишидаги ҳаракатлари ва ниҳоят Тўхтамишхоннинг бир йил бурунги мазкур шаҳарга юришини эсласак, Тўхтамишхоннинг Озарбайжонга муносабатини яққол тасаввур қилишимиз мумкин. 1386 йилги унинг Табризга юриши эса катта тадбирлар олдидан қўйилган синов қадами эди десак асосли бўлади. Бу фикрларни тасдиқловчи яна бир далил бор. Тўхтамишхон олдига қўйган мақсадга осонлик билан эришиб бўлмаслигини яхши билган ҳолда иттифоқчилар излай бошлаган. Шу ниятда у 1385 йил январдаёқ Миср ҳукмдори, мамлюклардан бўлмиш Султон Барқуқ-қа (1382-1388) ўз элчиларини юборганди. Ўша замон тарихчилари гувоҳлик беришларича, элчилар жуда зўр иззат-икром билан кутиб олинган. Элчиликдан мақсад Тўхтамишхоннинг Амир Темурга қарши Султон Барқуқни иттифоққа тортиш бўлганига шубҳа қилмаса бўлади. Зеро, биринчидан, Олтин Ўрда ва Миср мамлуклари Озарбайжондан шарқ ва жанубда мужассамлашган кучларга қарши эскидан иттифоқдош бўлиб келганлар. Чунончи, Эрон, Озарбайжон, Ироқни ўз тасарруфида тутган ҳалокуийлар замонида бу икки тараф манфаатлари ўзаро борди-келди қилишни тақозо этганди. Олтин Ўрда юқорида айтилганидек, Озарбайжонга-интиларди. Мисрга эса ҳалокуийларнинг ғарбга қараб, яъни мамлуклар таъсир доирасидаги ҳудудларга томон ҳаракатларини бартараф қилиш муҳим эди. Шу сабабдан ҳам Олтин Ўрда ва Миср алоқалари изчиллашиб кетган. Масалан, Миср султони Байбарс (1260-1277) ва Олтин Ўрда ҳукмдори Беркахон (1256-1266) ўртасида олиб борилган дипломатик алоқалар бу борада ёрқин мисол бўла олади. Ўз хатларида Миср султони Олтин Ўрдани Кавказ орқали Озарбайжон ва Эронга қарши юришига гиж-гижлаган ва бу масалада ўзи қўмакдош бўлишини таъкидлаган. Иккинчидан эса, мамлуклар Амир Темурнинг ғарбга қараб силжиб боришидан манфаатдор эмасдилар ва бу ҳол уларнинг Тўхтамишхон билан иттифоққа киришлари учун етарли асос бўла оларди.

Хуллас, афтидан Амир Темур Озарбайжон атрофида манфаатлари мужассамлашган томонлар имкониятларини ҳар жиҳатдан чуқур билгани учун ҳам Тўхтамишхон қўшинларининг зикр этилган Самур дарёси томон юришига баҳо беришда ва чора кўришда шошмайди. Юзаки қараганда у дарҳол қўшин тортиб Тўхтамишхон билан юзма-юз бўлиши мумкин эди. Аммо Озарбайжонда ва унинг атрофида етарли мавқега эга бўлмасдан туриб бу ишни қилиб бўлмасди. Акс ҳолда тузоққа тушиб қолиш ҳеч гап эмасди. Шунинг учун ҳам Амир Темур Тўхтамишхон қўшинларига қарши бир неча амирлари ва ўғли Мироншоҳ бошлиқ лашкар жўнатиб ўзи Урдуда қолади. Мироншоҳ эса Тўхтамишхоннинг унча ҳам кўп бўлмаган аскарларига зарба бериб бир қанчасини асир олиб қайтади. Шомийнинг ёзишича, Амир Темур асирларни ниҳоятда яхши қабул қилиб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаган ва бир фикрни уларга уқтиришга интилган: «Биз ахир Тўхтамиш билан отаболамизку. Нега биз ўртадаги аҳду паймонни бузишимиз керак. Агар кимдаким, орамизга ана шундай ихтилоф уруғини сочаётган бўлса, у худонинг қарғишига учраши тайин. Биз ундайларни жазоламоғимиз керак». Амир Темурнинг мазкур тадбири ва сўзларини қандай шарҳлаш мумкин? Фикримизча соҳибқирон Тўхтамишхонга умид боғламаган. Шу билан бирга Тўхтамишхоннинг хусусан Озарбайжонга нисбатан сиёсати нафақат унинг, балки Олтин Ўрдада мужассамлашган ҳарбий-сиёсий кучларнинг ҳам манфаатини ифода этишини Амир Темур жуда яхши англаган. Шу сабаб ҳам, чамаси юқори мартабага эга асирларни яхши сўз билан сийлаб, уларга ўзининг ҳимматини кўрсатган ва ўз томонига оғдиришга ҳаракат қилган. Зеро, Амир Темур ҳақидаги яхши таассуротни улар қайтгач бошқаларга ҳам етказишлари аниқ эди. Соҳибқироннинг «ўртамизга ихтилоф уруғини сочаётганлар жазоланиши даркор» қабилидаги сўзлари ҳам илмоқли эди. Яъни ихтилоф уруғини сочаётган Тўхтамишхоннинг ўзгинаси эканлиги ҳаммага аён бўлиб, энди фақат гап уни ким жазолашида қолганди: Амир Темурми ё олтинўрдаликларнинг ўзларими. Кейингиси соҳибқирон учун ҳар жиҳатдан маъқулроқ эди. Чунки шу пайтда Амир Темур Тўхтамишхон билан росмана курашга тайёр эмасди. Аниқроғи вазият унинг фойдасига зид равишда эди. Бундай дейишга қандай асосимиз бор?

Тарихий манбаларни, айниқса шу давр «асосий қаҳрамонлари» бўлмиш усмонлийлар, жалойирийлар, қароқўйунлийлар, музаффарийлар, мамлуклар, Олтин Ўрда намояндаларининг ўзаро алмашган мактубларини ўрганиш шундай хулосага олиб келдики, Амир Темур ғарбий йўналишда халқаро майдонга чиққандан то Султон Боязидни (1389-1402) енгунга қадар (1402 йил) Ўрта ва Яқин Шарқ ҳамда Олтин Ўрдадан, яъни усмонлийлар, жалойирийлар, қароқўйунлийлар, музаффарийлар, мамлуклар, Тўхтамишхондан иборат ўзига хос ҳарбий-сиёсий каолицияга қарши курашишига тўғри келганди. Бу каолицияга бош-қошликни усмонлийлар олиб борганлар, улар асосан четдан туриб бошқаларнинг қўли билан иш қилганлар. Каолициядаги энг абжир куч эса Тўхтамишхон ҳисобланарди. Қолган кучлар эса, таъбир жоиз бўлса, «қитмир» кучлар эди. Қўлларидан бирон тадбир келмагани сабаб асосан усмонлийлар пинжига кириб ҳаракат қилардилар. Аммо ҳар бирлари ўз манфаатларини ҳеч қачон эсдан чиқармаганлар. Шу маънода музаффарий Шоҳ Мансурнинг Султон Боязидга йўллаган хатидаги бир жумла қизиқ. Унда Шоҳ Мансурнинг усмонлий ҳукмдорга, агар Амир Темур сизни иттифоққа чорласа, яна кўниб юрманг, мазмунидаги илтимоси битилган. Кўриб турганимиздек «қитмир» кучлар ўзларидан хавотир олиб барчага шубҳа билан қараганлар.

Амир Темур ўз рақиблари имкониятларини яхши билгани, ўргангани аниқ. Бундан ташқари уларнинг, биз ишора қилган тарихий манфаатларидан ҳам бохабар бўлганига шубҳа йўқ (манбаларда ёзилганидек, соҳибқирон тарихни жуда яхши билган, турли халқлар ўтмишига оид шарҳларни эшитишни канда қилмаган, тарихчилар билан суҳбат қуришдан чарчамагани бежиз бўлмаган). Шулардан келиб чиққан ҳолда у энг аввало Тўхтамишхон билан орани очиқ қилишга киришади. Сўнг эса Султон Боязид «масаласи» билан шуғулланди. Қолганлар тақдири эса, яъни музаффарийлар, жалойирийлар, қароқўйунлийлар, мамлуклар йўл-йўлакай ҳал бўларди. Яна бир гап: Амир Темур фаолиятига баҳо бераётганда ҳеч қачон у билан ҳамзамон, унга рақиб бўлган сиёсатчиларни ерга уриб бу билан соҳибқиронни юзага олиб чиқишга уринмаслигимиз лозим. Чунончи, Тўхтамишхон ҳам, Султон Боязид ҳам ўз даврининг зўр сиёсатчилари эдилар. Аммо Амир Темур ана шундайларни доғда қолдирган зўрлар ичидаги зўр эди. Унинг буюклиги сабабларидан бири ҳам шунда!

Холисона айтиш лозим: Олтин Ўрта Самарқандга қанчалик хавф туғдирса, мавжуд шароитда Амир Темур ҳам Тўхтамишхон учун шунчалик хавфли эди. Буни Тўхтамишхон яхши англаган. Аммо соҳибқиронда фарқли ўлароқ аҳдбузарлик, орқаворотдан иш тутиш йўлидан кетган. Чунончи, у Мовароуннаҳр бирлигига путур етказиш ниятида Хоразмга ўз таъсирини ўтказа бошлайди. Бунда у Амир Темур билан бир неча маротаба аҳдлашган ва шунча марта сўзини бузган маҳаллий суфийлар сулоласига суянади. (Ваҳоланки суфийларга ишонган соҳибқирон бощданоқ улар билан қариндошлик йўлини тутиб, ўғли Жаҳонгирга (1356-1376) суфийлар хонадонидан бўлмиш Хонзодабегимни олиб берганди). Тўхтамишхон бу билан қаноатланмай Амир Темур мамлакатда йўқлиги пайтларида Мовароуннаҳрга қўшин юборади. Масалан, 1387 йили унинг қўшинлари, Самарқанд, Бухоро атрофларини талаб, Қарши ва Нахшабни ёндирадилар. Амир Темур эса Тўхтамишнинг бу қитмирлигининг сабабларини яхши тушунарди, яъни соҳибқиронни шошма-шошарлик билан тадбир кўришга ундаш. Амир Темур бундай қилмайди. Ва 1395 йилги Тўхтамишхон билан жангга ҳар томонлама тайёргарлик кўриб уни енгади. Бу билан Олтин Ўрда хавфини бартараф этиб уни ўз таъсир доирасига тортишга муваффақ бўлади. Шарқ ва Ғарбни туташтирувчи шимолий карвон йўли ҳам энди Самарқанднинг назоратига ўтганди. Қизиғи шундаки, мазкур жангда аранг жон сақлаб қолган Тўхтамишхон ўн йил давомида саргардон бўлиб юриб, 1405 йили Хитойга отланган Амир Темур ҳузурига элчи юбориб, тавба-тазарру этади. Соҳибқирон унга Хитойдан қайтгач яна бир бор Олтин Ўрда масаласи билан шуғулланишини айтади.

Шундай қилиб XV аср бўсағасида Амир Темур икки асосий ва қудратли рақибидан бири Олтин Ўрдани бир ёқлик қилишга муваффақ бўлганди. Энди унинг олдида сўнгги омил — усмонлийлар қўндаланг турардилар. Амир Темур учун Султон Боязид билан юзма-юз келишдан бошқа йўл қолмаганди. Нега биз бошқа йўл йўқ деяпмиз. Чунки эндиликда дунёдаги энг қудратли икки куч бу вақтда Самарқанд ва Кичик Осиёда мужассамлашганди. «Икки қўчқорнинг боши эса бир қозонда қайнамайди». Фикримизча асосий масала моҳияти ҳам шунда. Ана шу тўқнашувга ким сабабчи бўлдию, нима баҳона чиқди, ким айбдору, ким ҳақ — булар энди мазкур асосий масаланинг тафсилотларидир. Аммо тарих мана шу тафсилотлари билан қизиқ ва ўрганишга лойиқдир. Шунинг учун ҳам қуйида шу борада қисқача тўхталиб ўтамиз.

XIII аср сўнгги ўн йилликларидан бошлаб Кичик Осиёнинг шимоли-ғарбида маҳаллий туркий сулола — усмонлийлар кучга тўлиб бориб, биз кўраётган даврга келиб дунёдаги энг қудратли давлатлардан бирига айланганди. XV аср арафасида усмонлийлар Византия (Константинўпилдан ташқари), Сербия, Болгария, яъни деярли тамом Болқон ярим оролини ўзларига бўйсундиришга муваффақ бўлгандилар. 1396 йили усмонлийлар ҳукмдори Султон Боязид Венгрия қироли Сигзмунд бошлиқ юз минг кишидан иборат европаликларнинг (Англия, Франция, Германия, Чехия, Италия ва Венгрия намояндаларидан иборат) умумий лашкари — салбчиларга Дунай дарёси ўнг қирғоғида жойлашган Никўпўл (Болгария) шаҳри атрофида қақшатқич зарба беради. Оддий аскарлардан ташқари бир қатор донгдор ритсарларни ҳам асирга олади (кейинчалик уларни ўз даври учун жуда катта маблағ — 200 минг олтин дукатдан иборат тўлов пулига озод қилади). Мазкур ғалаба Султон Боязид учун Марказий Европа томон ҳаракат қилиш учун қулай имкониятлар туғдирганди. Ўша замон тарихчилари ва мазкур мавзуни ўрганган барча тадқиқотчилар фикрича, ғарбий Европа Султон Боязид хавфидан талвасага тушиб қолганди. Аммо Никўпўл мағлубиятидан сўнг ҳеч бир мамлакат яна усмонлийларга қарши курашиш масаласини амалда кўтаролмасди. Шу ўринда арқон бўғизида турган Византия императори Манўйилнинг қисмати қизиқ. 1399 йили у усмонлийларга қарши ёрдам сўраб Европа мамлакатларига сафарга чиқади. Чунончи, Венетсия, Милан, Флорентсия, Франтсия, Германияда бўлиб бу ерлик ҳукмдорлардан нажот кутади. Аммо тантанавор қабуллару қуруқ ваъдалардан бошқа деярли ҳеч нарсага эришмайди. То Манўйил сафардан қайтгунча бир неча йил ўтиб, орада Амир Темур Султон Боязидни мағлубиятга учратади. Ва шу тариқа Константинўпил маълум муддатга хавфдан қутулиб қолади. Ё бошқа бир масалани олайлик. Рим папалигининг усмонлийларга муносабати. Майдалашмасдан бир мисол келтириш билан чекланамиз. Ўша кезлари, европаликлар орасида шундай гаплар кенг тарқалган экан: «усмонлий турклари аслида Рим папалигининг жиянларидир». Бундай дейилишига сабаб эса қуйидагича: усмонлийларга қарши салб юришлари уюштираман дея Рим папалиги Европа бўйлаб каттадан-катта маблағлар, солиқлар йиққан. Аммо йиғилган маблағнинг аксар қисмини суиистъемол қилиб юборган.

Шу ерда Амир Темур билан Европа давлатлари ўртасидаги муносабатлар қизиқиш уйғотиши табиий. Амир Темур Генуя, Венетсия, Византия, Испания, Франтсия, Англия кабилар билан дипломатик алоқаларни ташкил этгани маълум. Европаликларнинг Амир Темурга муносабатини Султон Боязид омили орқали баҳолаш табиий. Ҳа, бундай дейиш билан биз агар бу омил бўлмаганда эди, Самарқанд ва Европа муносабатлари ўзгача бўлиши мумкин бўларди демоқчимиз. Бунга биз қуйидаги маълумотлар орқали амин бўлишимиз мумкин. Манўйил Европага жўнаганда Константинўпилда ўз ноиби Ивонни қолдирганди. Ивоннинг Амир Темур элчиларига «Константинўпил то шу чоққача Султон Боязидга тўлаб келган солиғини бундан буён Амир Темурга тўлайди» деганларини ҳужжатлар асосида биламиз. Бошқа бир Манўйил номила машҳур Трабзўн императори ҳам Султон Боязидга қарши уруш ҳаракатлари бошланса соҳибқиронга ҳарбий кемалар билан ёрдам беришини ваъда қилган. Аммо Султон Боязид енгилгандан сўнг эса Константинўпил ҳам, Трабзўн ҳам сўзида турмаган. Бу ҳам етмагандай кечаги ва эртанги душманлари — усмонлийларга ёрдам берганлар. Биз нима учун Амир Темур ва Европа муносабатларини шарҳлашни айни шу масаладан бошладик. Чунки то шу чоққача мазкур муносабатлар ёритилганда асосан иккита нарсага урғу бериб келинган: Европа икки туркий ҳукмдорни бир-бировига гиж-гижлаб уларни уруштириб қўйган ва кейинчалик ўз манфаатини рўёбга чиқариб олган; Амир Темур Европани усмонлийлардан халос қилган.

Тўғри юқорида кўрганимиздек Амир Темур бир қатор европалик давлатлар билан дипломатик алоқаларни олиб борган. Чунончи унинг франтсиялик Карл VI ва англиялик Ҳенри IV (1393-1413) билан ёзишмаларидан хабардормиз. Карл ҳам, Ҳенри ҳам соҳибқиронни кўкка кўтариб мақтаб, унинг усмонлийларга қарши курашини юқори баҳолайдилар. Ҳенри Султон Боязид мағлубиятини назарда тутиб, энди биз ўзимизни» «ғоятда енгил ва бахтиёр ҳис» этмоқдамиз деб ёзганди. Шу билан улар Амир Темур таклиф қилган ўзаро савдо алоқаларини ривожлантириш учун тайёр эканликларини билдирганлар. Амир Темур ҳам асосан савдо алоқаларини кенгайтириш масаласи билан чекланган. Зеро, икки томон ҳам бир нимани яхши тушунганлар: Амир Темур Султон Боязидни енгиши билан то шу чоққача усмонлийларга у ё бу шаклда қарам Европа энди кўп жиҳатдан Самарқандга боғлиқ бўлиб қолганди. Шунинг учун ҳам Европа ва Самарқанд ўртасидаги элчилик алоқалари Анқара жангидан сўнг анча фаол тус олган. Амир Темурнинг европаликларга савдо-сотиқда ҳамкорлик қилишни таклиф этиши дипломатия тилидан оддий тилга ўтказилса «мен сизларга Султон Боязид каби сиёсий талаб қўймайман, фақат бизнинг савдогарларга ўз юртларингда шароит яратиб берсанглар бўлди» дегани билан баробар эди. Мазкур режа амалга оширилганда эса Хитойдан Атлантика океанигача бўлган савдо йўлларини назорат қилиш имкони туғиларди. Бунинг нечоғли катта қудрат бахш этишини тасаввур этиш қийинмас. Мана шу ерда асосий мақсадга кўчамиз. **Амир Темур Султон Боязидга қарши курашаркан бу ишни кимларгадир ёқиш ва кимларнингдир гиж-гижлашишига учиш учун эмас, балки сиёсий жиҳатдан ўз салтанати манфаатларини ҳимоя қилиш ва иқтисодий жиҳатдан дунё миқёсида кенг имкониятларга эга бўлиш йўлида амалга оширган.** Агарда биз соҳибқирон-европаликларнинг гиж-гижлаши оқибатида Анқара жангига кирди десак, унда ўзимиз билмаган ҳолда Амир Темурни ерга уриб қўямиз. Ўйлаб кўрайлик. Ўттиз йилдан ортиқ вақт мобайнида не-неларни кўрган, ҳар томондан илмли, тажрибали, ёши етмишга етиб қолган буюк сиёсатчи иккита-учта кишининг иғвосига учиб Султон Боязиддай қудратли сиёсий кучга қарши жангга кириб кетса. Йўқ. Соҳибқирон Султон Боязид билан тўқнашувга обдон тайёргарлик кўрган. Уни енгса нимага эришадию, акси бўлса не юз беради — ҳаммасини тарозуга солган. Шунинг учун ҳам 1404 йили Самарқандга кириб келган Испания элчиси Клавихони қабул қилиб биринчи сўрагани қуйидагича бўлган: «Менинг ўғлим сенйор қиролнинг (яъни Испания қироли Ҳенри III нинг — А. З.) аҳволлари, соғлиқлари қалай... Менинг ўғлим, дунёнинг (нариги) чеккасида яшовчи франк қироллари орасидаги энг улуғи Испания қироли юборган мана бу элчиларга қаранглар... Мен ўғлим — Испания қиролини дуо қиламан». Мазкур сўзларни таҳлил қилсак, биз илгари сурган фикр янада ойдинлашади. Дипломатия тилидаги ўғлим оддийда қаролим дегани. Франклар, яъни европаликларнинг энг улуғ қироли соҳибқиронга ўғил бўлса қолганларичи?! Демак, Амир Темурнинг Европага муносабатида шубҳа қилмаса бўлади. У Европани озод қилишни мақсад қилиб қўймаган. Бунга унинг қуйидаги сўзлари тасдиқ бўла олади. Султон Боязидга ёзган хатларида соҳибқирон шундай дейди: «Фаранг лашкарига қарши жиҳод фарзини амалга ошириш йўлида ҳаракат камарини (белга) боғлаганинг учун ҳам сенинг мамлакатинг ҳудудига ҳеч бир тажовуз этмадик», ё бўлмаса «ул жаноб ҳеч бир хавотирсиз **(яъни Амир Темур орқадан босиб келади деб ўйламасдан ˚ А. З.)** ўша диёр кофирлари жиҳоди ила машғул бўлаверсинлар. Биз томондан ул тарафга қайси шаклда мақбул бўлса самиймиона иноят ва кўмак кўрсатилгай».

Демак, Амир Темурнинг Султон Боязид билан муносабати ҳам ниҳоятда мураккаб бўлган. Бир томондан диндош, иккинчи томондан қавмдош, учинчи томондан сиёсий муҳолиф. Учинчиси ҳамма замонлар, ҳамма халқлар учун муҳим бўлиб келган. Тўғри, усмонлийлар билан сиёсий қарама-қаршиликни соҳибқирон дипломатия йўли билан ҳал қилишга кўп ҳаракат қилган. Икки томон тўрт марта хат алмашганлар. Агар хатларни кўздан кечирсак, Амир Темур босиқлик билан, мўлжалини рўёбга чиқаришда ҳеч бир шубҳаси йўқ кишини эслатади. Султон Боязид эса кўпроқ таранглик, асабийлик, ўжарликка берилади. Ҳатто Амир Темур номига номақбул сўзларни ҳам айтади. Бундан ташқари Султон Боязид музаффарийлар, жалойирийлар, қароқўйунлийлар билан ёзишмаларида соҳибқиронни таҳқирлаб кофирликда айблайди. Амир Темур буларга ҳам кўз юмади ва бу ҳақда Султон Боязидга шахсан ёзади ҳам. Хуллас, яхши сўз билан иш битмайди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Яна қайтаришга мажбурмиз: Султон Боязид ҳам ҳазилакам қудратга эга бўлганми. Унинг ҳам Яқин ва Ўрта Шарқ, Кавказортига нисбатан ўз мўлжали бўлганди. Жалойирийлар, қароқўйунлийлар, музаффарийлар, мамлуклар ана шу мўлжални амалга оширишда унинг қўлидаги воситалар эди ва мазкур воситалардан Султон Боязид то Анқара жангигача усталик билан фойдаланиб келган. Буни қисман юқорида кўрдик.

Анқара атрофидаги Амир Темур ва Султон Боязид тўқнашуви 1402 йилнинг 20 июлида содир бўлиб, унда соҳибқирон тўла ғалаба қозонади. (Бундан хабар топган Миср султони Амир Темурга элчи юбориб, ўз тобелигини билдиради). Шу тариқа Самарқанд маркази бўлган буюк давлат манфаатлари учун хавф туғдирадиган бирон сиёсий-иқтисодий куч қолмайди. Бу нафақат ўз даври, балки олдинги ва кейинги замонлар учун ҳам ташқи сиёсатда эришилган энг улуғ натижа эди.

Азамат ЗИЁ,
Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди.

Но